

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИРОВА САОДАТ АБДУЛЛАЕВНА

ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ТЕРМИНОЛОГИЯСИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 811.581
ББК: 801.2-3 (5 Кит)
Н-31

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc)
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc)
on Philological Sciences**

Насирова Саодат Абдуллаевна

Ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологияси 3

Насирова Саодат Абдуллаевна

Общественно-политическая терминология в современном
китайском языке 33

Nasirova Saodat Abdullayevna

Social-political terminology in modern Chinese 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 67

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИРОВА САОДАТ АБДУЛЛАЕВНА

ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ТЕРМИНОЛОГИЯСИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Fil92 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashguv.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **ДАДАБОЕВ Ҳамидулла Арипович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **ХОДЖАЕВ Аблат**
тарих фанлари доктори
ХАЙ Шуин
филология фанлари доктори, профессор
КИМ Наталья Дек-Хеновна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
Илмий котиби, филол.ф.д.

Х.З. Алимова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилнинг лексик қатламини атрофлича тадқиқ этиш масаласи, айниқса, янги ясалган сўз ва терминларнинг қўлланиши борасида мунозарали хулосалар ва мулоҳазалар илгари сурилганлиги билан характерланади. Хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологиясининг (ИСТ) шаклланиши хитой тамаддунининг бир неча минг йиллик сиёсий, фалсафий фикрлари ва дунёқараши тарихига бориб тақалади. Бугунги шароитда ИСТнинг бойиши, такомиллашиши фалсафа, тарих, маданият, сиёсий фикр ва ижтимоий онг сингари терминология платформалари билан узвий боғлиқлик ҳолда кечмоқда. Бундан ташқари, тил луғат бойлиги, хусусан, ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологиясининг бойиши охириги қирқ йилда Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий, ҳарбий-стратегик, сиёсий ҳамда маданий-гуманитар ривожига кескин ўсиш оқибатида майдонга чиқди¹.

Дунё тилшунослигида ижтимоий-сиёсий терминология тубдан ўзгаришларни бошидан кечирмоқда, шундай бўлишига қарамай, тамал платформа – шахс ва жамият, шахс ва ҳокимият, жамият ва ҳокимият, давлат ва жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги фалсафий муносабатлар билан узвий алоқани намоиш этган ҳолда ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг кўп қиррали ифода воситаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу вазият ХХРнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий тараққиёти ва ролига «лисоний жавоб» ўларок, ўртага чиққан хитой тили ижтимоий-сиёсий терминларини комплекс тадқиқ этиш заруратини кун тартибига қўяди.

ХХР Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар киритиш ҳажмига кўра етакчи ўринда. Ўзбекистонда ХХРнинг 1600дан ортиқ корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, хитой тилида қўлланувчи ИСТ тизимини тадқиқ этиш орқали ҳамкор мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тизими хусусида етарли маълумотга эга бўлиш, ХХРнинг нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки бутун Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий-иқтисодий ва ҳ.к. алоқаларининг келажакини башорат қилиш зарур. Бу вазиятда ижтимоий-сиёсий терминология ХХР ташқи сиёсатининг кўзгуси сифатида майдонга чиқади. ИСТнинг систем тадқиқи хитой халқи маънавий ва моддий маданиятининг тараққиёти, ХХРнинг бошқа халқлар билан ижтимоий-иқтисодий, лисоний ва маданий алоқалари тарихи инъикоси сифатида тарихий-лексикологик, тарихий-сиёсий, лингвомаданий аҳамиятга молик. Хитой филологияси томонидан илгари сурилган бир қатор ижтимоий-сиёсий терминлар халқаро муносабатларга сезиларли таъсир кўрсатди, жумладан, 一国两制 yī guó liǎng zhì бир мамлакат – икки тизим, 上合组织 Shànghé zǔzhī Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ШХТ, 上海精神 Shànghǎi jīngshén Шанхай руҳи, 打击»三种势力» dǎjī «sān zhǒng shìlì» уч ёвузликка қарши кураш, 一带一路 yī dài yī lù бир макон, бир йўл сингари тушунчалар бутунлай янги халқаро муносабатларнинг шаклланишида асос вазифасини ўтади.

¹ 1978 йилда Хитой дунёда ташқи товар алмашинуви ҳажмига кўра 29-ўринни эгаллаган бўлса, 2013 йилда биринчи ўринга чиқди. Унинг жаҳон экспортидаги улуши 0.75% дан 13,15% га ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йилнинг 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йилнинг 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йилнинг 17 июндаги ПҚ-4358-сон «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йилнинг 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йилнинг 10 февралдаги 75-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Хитой тили терминологиясининг тадқиқи бир қатор етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, хусусан, Harvard University (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), Humboldt Universitat zu Berlin (Германия Федератив Республикаси), Пекин университети 北京大学 Běijīng dàxué, Иккинчи Пекин чет тиллари университети 北京第二外国语大学 Běijīng dì èr wàiguóyǔ dàxué, Фудан университети 复旦大学 Fùdàn dàxué, Шанхай университети 上海大学 Shànghǎi dàxué, Шанхай чет тиллар университети 上海外国语大学 Shànghǎi wàiguóyǔ dàxué (Хитой Халқ Республикаси), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Осиё ва Африка мамлакатлари институти, РФА Шарқшунослик институти, Санкт-Петербург давлат университети, Россия

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи куйидаги информацион ресурслар асосида амалга оширилди: <http://www.pku.edu.cn.>, <http://www.bfsu.edu.cn.>, <http://www.fudan.edu/cn.>, <http://www.shu.edu.cn.>, <http://www.shnu.edu.cn.>, <http://www.iaas.msu.ru>, <http://www.ivran.ru>, <http://www.spbu.ru>, <http://www.vumo.mil.ru>, <http://www.kpfu.ru>, <http://www.dvfu.ru>, <http://www.harvard.edu>, <http://www.ox.ac.uk>, <http://www.hu-berlin.de>, <http://www.samdhti.uz>, <http://www.tsuos.uz>, <http://www.dissercat.com>, <http://www.cyberleninka.com>, <http://scopus.com>, <http://sciencedirect.com>pii>pdf>, <http://www.linguistics-journal.com>a-c>, <http://searchworks.stanford.edu>view>, <http://diss.rsl.ru>, <http://www.casseng.csn.cn>, <http://www.chineseacademydc.com>, <http://www.chinese-learning.cnhttps://www.dvfu.ru/>.

Федерацияси Мудофаа Вазирлигининг Ҳарбий университети, Қозон Федерал университети, Узоқ Шарқ Федерал университети (Россия Федерацияси), Самарқанд давлат чет тиллар институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети (Ўзбекистон Республикаси)да амалга оширилмоқда.

Хитой тили терминологиясининг тадқиқи натижасида бир қатор натижалар қўлга киритилган, хусусан: ҳозирги хитой тилида термин яшашнинг шакл ва тамойиллари асосланган (РФА Шарқшунослик институти, Humboldt Universitat zu Berlin), терминларни ўзлаштириш манбалари исботланган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Осиё ва Африка мамлакатлари институти, Қозон Федерал университети), ҳозирги хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий терминларнинг сўз ясаиш аспекти аниқланган (北京大学 Běijīng dàxué, 北京第二外国语大学 Běijīng dì èr wàiguóyǔ dàxué). Бундан ташқари, хитой тили луғат таркибидаги сўз ўзлаштириш ва уларни мослаштириш масалалари далилланган (РФ Мудофаа Вазирлиги Ҳарбий университети), хитой тили ИСТ қатлами бойишининг интра ва экстралингвистик омиллари очиб берилган, ИСТ мисолида хитой тили сўз ясаишидаги композиция ва аффиксация усулларининг юқори самарадорлиги асосланган ва конфуцийлик назарияси асосида лексик инновацияларнинг семантик ўзгариши ўрганилган (Тошкент давлат шарқшунослик университети).

Бугунга келиб, жаҳон тилшунослигида терминология бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: хитой тилидаги манбалар асосида ижтимоий-сиёсий терминологиянинг юзага келиши ва такомиллини хитой тили ижтимоий-сиёсий терминларининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари билан боғлаб тадқиқ этиш; хитой тили ижтимоий-сиёсий терминларининг ясаиш усулларини ўрганиш; хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологиясида ўзлашмалар ва неологизмларнинг ўрнини илмий далиллаш; қадимги Хитой фалсафий анъаналарининг хитой терминологиясига таъсирини асослаш; икки ва кўп тилли луғатларни тузиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амалга оширилган илмий тадқиқотлар ижтимоий-сиёсий терминология тизимининг ўрганилишида уч асосий ёндашувнинг мавжудлигини кўрсатади: синхрон-тавсифий (Сун Дзишенг 孙吉胜, Тянь Хайлонг 田海龙, Сюе Дачуан 雷大川, Лю Ёнгтао 刘永涛, А.А.Абдуллаева, Л.А.Жданова, А.Б.Исабекова, Е.В.Курасова, Ли Йонг Хи, Л.Ф.Маркианова, Н.Н.Фаттахова, А.Г.Лемешко)³, диахрон (Хуан Дзинчинг 黄金

³ 孙吉胜. 语言、身份与国际秩序:后建构主义理论研究//世界经济与政治, 2008年第5期; 田海龙. 政治语言研究:评述与思考//外语教学, 2002年第1期; 雷大川. 政治:一种语言的存在—兼论政治语言学的建构//文史哲, 2009年第2期; 刘永涛. 语言与国际关系:拓展政治分析的新视角//世界经济与政治, 2011年第7期; Абдуллаева А.А. Лексика сферы международных отношений (на материале русского и узбекского языков). – Дис. ... канд. филол.наук. – Ташкент., 2003. – 25 с.; Жданова Л.А. Общественно-политическая лексика: структура и динамика: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1996. – 17 с.; Исабекова А.Б. Общественно-политическая терминология в киргизском литературном языке и вопрос её упорядочения: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Фрунзе, 1971. – 19 с.; Ли Йонг Хи. Отражение общественно-политических изменений в лексике русского и корейского языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2003. – 18 с.; Маркианова Л.Ф. Общественно-политическая лексика русского языка: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Петрозаводск, 2003. – 26 с.; Фаттахова Н.Н. Развитие общественно-политической терминологии татарского языка. – Казань: Татар,

祺, Фан Синмин 番新明, Г.У.Алеева, Л.Бантешева, Р.Я.Бабаев, Ҳ.Дадабаев, М.И.Скворцов)⁴ ва типологик ёндашувлар (Т.Б.Крючкова, С.А.Маник, А.К.Пирниязова, И.О.Ткачёва, С.Н.Халилова, М.Н.Бабаджанова)⁵. Хуан Дзинчингнинг 黄金祺 тадқиқотлари ҳозирги хитой тили дипломатик терминологиясининг диахрон ва синхрон-тавсифий таҳлилига бағишланган бўлиб, унда ХХР ташқи сиёсатининг ҳозирги кундаги дипломатик ҳужжатчилигининг асосий кўринишлари аниқланган. Хуан Дзинчингнинг 黄金祺 илмий ишида дипломатик терминларнинг махсус қўлланиш учун тизимлаштирилмагани кузатилади⁶.

Фан Синминнинг 番新明 изланиши диахрон аспектда амалга оширилган бўлиб, асосий диққат қадимги хитой ҳужжатчилигининг хронологик аспектдаги таҳлилига қаратилган⁷. Сун Дзишенг 孙吉胜, Тянь Хайлонг 田海龙, Сюе Дачуаннинг 雷大川 тадқиқотлари сиёсий лингвистика доирасида амалга оширилган бўлиб, сиёсий терминология профессионализмлар сифатида ўрганилган⁸. Р.Я.Бабаевнинг диссертациясида ижтимоий-сиёсий лексиканинг полиаспект таҳлили амалга оширилган, терминлар системалаштирилган⁹, С.Н.Халилова ижтимоий-сиёсий терминология таркибидаги ўзлашма қатламни ўз қатламдан ажратиб ўрганган¹⁰. Ю.Г.Лемешконинг диссертациясида ҳозирги хитой тили публицистик услубининг асосий хусусиятлари тавсифланган¹¹. Г.У.Алеева татар тилида қўлланувчи ижтимоий-сиёсий лексикани тўплаган ва

кн. изд-во, 1985. – 101 с.; Лемешко Ю.Г. Язык китайского общественно-политического текста (синтаксические и стилистические особенности): Дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2001. – 166 с.

⁴ 黄金祺. 什么事外交. – 北京, 2004. – 576 页; 番新明. 外事使用文书大全. – 北京: 世界知识出版社 1994. – Р. 185.; Алеева Г.У. Общественно-политическая лексика татарского языка: Дис. ... канд. филол. наук. – Казань, 2009. – 260 с.; Бантешева Л. Общественно-политическая лексика начала XX века: традиции изучения // Политическая лингвистика. – Екатеринбург, 2007. – Вып. (1)21. – С.13-18; Бабаев Р.Я. Общественно-политическая терминология азербайджанского языка: Дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2006. – 146 с.; Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991.–185 с.; Скворцов М.И. Старочувашская общественно-политическая лексика: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1972. – 19 с.

⁵ Крючкова Т.Б. Особенности функционирования и развития общественно-политической лексики и терминологии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1989. – 16 с.; Маник С.А. Общественно-политическая лексика (оценочный аспект) в словарях различных типов: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Иваново, 2001. – 278 с.; Пирниязова А.К. Пути формирования и развития общественно-политической лексики современного каракалпакского языка: Дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 260 с.; Ткачева И.О. Политическая лексика современного русского языка: семантические особенности и проблемы лексикографического представления: Дис. ... канд. филол. наук. – СПб., 2008. – 320 с.; Халилова С.Н. Лингвистические основы общественно-политической терминологии: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Баку, 1989. – 53 с.; Бабаджанова М.Н. Сопоставительный анализ общественно-политических реалий в лингвокультурном и переводческом аспектах (на материале английского и таджикского языков): Дис. ... канд. фил. наук. – Худжанд, 2019. – 190 с.

⁶ 黄金祺. 什么事外交. – 北京, 2004. – 576 页

⁷ 番新明. 外事使用文书大全. – 北京: 世界知识出版社, 1994. – Р. 185.

⁸ 孙吉胜. 语言、身份与国际秩序:后建构主义理论研究//《世界经济与政治》2008 年第 5 期;田海龙. 政治语言研究:评述与思考// 外语教学, 2002 年第 1 期;雷大川. 政治:一种语言的存在—兼论政治语言学的建构 // 文史哲, 2009 年第 2 期.

⁹ Бабаев Р.Я. Общественно-политическая терминология азербайджанского языка: Дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2006. – 146 с.

¹⁰ Халилова С.Н. Лингвистические основы общественно-политической терминологии: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Баку, 1989. – 53 с.

¹¹ Лемешко Ю.Г. Язык китайского общественно-политического текста (синтаксические и стилистические особенности): Дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2001. – 166 с.

тизимлаштирган, туркологияда ижтимоий-сиёсий лексика тарихининг ўрганилишига диққат қаратган, ижтимоий-сиёсий лексика эволюциясини тадқиқ этиш мақсадида лексикографик манбаларни таҳлил этган ¹². Х.Дадабаевнинг монографиясида эски туркий тилда битилган манбалар матнида қўлланишда бўлган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминлар тизими бир неча аспектларда тадқиқ қилинган. Муаллифнинг ёзишича, ижтимоий-сиёсий терминологиянинг пойдеворини ташкил этувчи термин ва термин-бирикмалар давлатнинг маъмурий-сиёсий бошқаруви, ташқи сиёсий фаолияти, ижтимоий қурилиши билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади¹³.

Ҳозирги хитой тили терминологиясининг тадқиқи нафақат хитойлик, балки чет мамлакатлар тилшунослари, социологлари, сиёсатчилари, маданият арбоблари нашрларида асосий мавзуга айланган ¹⁴. Лексикани яхлит тизим сифатида ўрганишга бўлган ёндашув Д.Н.Шмелев, Л.А.Новиков, Ю.Д.Апресян, Ю.Н.Караулов, В.М.Солнцев, Н.Н.Коротков, А.Л.Семенас ¹⁵ сингари олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган. Тадқиқотларда семантика масалаларининг баёнида кўп ҳолларда В.М.Лейчик ва А.Л.Семенас¹⁶ томонидан таклиф қилинган, умумий семантик типология нуқтаи назаридан, тил лексикасини таҳлил этишнинг систем-структур ёндашуви бўйича тушунчавий аппаратга асосланган. Ўзбек тилининг дипломатия, ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ, молия ва ҳуқуқ, солиқ, бож терминологияси шаклланишининг муаммолари

¹² Алеева Г.У. Общественно-политическая лексика татарского языка: Дис. ... канд. филол. наук. – Казань, 2009. – 260 с.

¹³ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – С.3.

¹⁴ 孙吉胜. 语言、身份与国际秩序:后建构主义理论研究//《世界经济与政治》2009年第5期; 田海龙. 政治语言研究:评述与思考//《外语教学》, 2002年第1期; 雷大川. 政治:一种语言的存在—兼论政治语言学的建构 //《文史哲》, 2009年第2期; 刘永涛. 语言与国际关系:拓展政治分析的新视角 //《世界经济与政治》, 2011年第7期; 唐青叶. 话语政治的分析框架及其意义//《阿拉伯世界研究》, 2013年3期; 孙吉胜. 话语、身份与对外政策—语言与国际关系的后结构主义 //《国际政治研究》, 2008年第3期; 叶淑兰. 中国战略性外交话语 //《外交评论》, 2012年第4期; 张志洲. 加强国际政治话语权研究 //《人民日报》, 2016年1月11日; Beard, A. *The Language of Politics*. – London: Routledge, 2000. – 136 p.; Chilton P. & Schaffner C. *Discourse and Politics*. – London: Sage Publications Ltd, 1997: 206-230. – pp.206-230; Fairclough N. & Wodak R. *Critical Discourse Analysis. Discourse as Social Interaction*. – London: Sage Publications, 1997: 258-284. – pp.87-121; Geis M. *The Language of Politics*. – New York: Springer Verlag, 1987. – P.202; Hodge B. & Louie K. *The Politics of Chinese Language and Culture: The Art of reading Dragons (Culture and Communication in Asia)*. – London: Routledge, 1998. – P.200; Holborow M. *The Politics of English*. – London: Sage Publications, 1999. – P.225; Hudson K. *The Language of Modern Politics*. London: Macmillan, 1978. – P.167; Lakoff R. *Talking Power: the Politics of Language in Our Lives*. – USA: Basic Books, 1990. – P.336; McNair B. *An Introduction to Political Communication*. – London: Routledge, 1999. – P.222; Muhlhausler, P. & Harre R. *Pronouns and People: The Linguistic Construction of Social and Personal Identity*. – Oxford: Basil Blackwell, 1990. – P.303; Wilson, J. *Politically Speaking: The Pragmatic Analysis of Political Language*. – Oxford: Basil Blackwell, 1990. – P.203.

¹⁵ Шмелёв Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики (на материале русского языка). – М.: Наука, 1973. – 280 с.; Новиков Л.А. Антонимия в русском языке (Семантический анализ противоположности в лексике). – М., 1973. – 290 с.; Апресян Ю. Д. Языковая картина мира и системная лексикография. – М.: Языки славянских культур, 2006. – 912 с.; Караулов Ю.Н. Русский семантический словарь. Опыт автоматического построения тезауруса: от понятия к слову. – М., 1982 (в соавт.). – 568 с.; Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1977. – 292 с.; Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского язык: грамматическая природа слова / АН СССР. Ин-т языкознания. – М.: Наука, 1968. – 400 с.; Семенас А.Л. Лексикология современного китайского языка. – М.: Наука, 1992. – 312 с.

¹⁶ Лейчик В.М. Терминоведение. Предмет, методы и структура. – М.: ЛИБРОКОМ, 2009. – 256 с.; Семенас А.Л. Лексикология современного китайского языка. – М.: Наука, 1992. – 312 с.

Ҳ.Дадабаев, Ш.Абдуллаева, О.Аҳмедов, Ҳ.Ёдгоров, О.Турсунова¹⁷ каби ўзбек терминшуносларининг ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Гао Минкай, Пей Ядзюн, Ли Дзёнгуо, Лянг Айлин каби хитойлик олимларнинг ҳозирги хитой тилидаги ИСТни ўрганишга оид ишлари терминологик лексиканинг шаклланиш жараёнлари тадқиқига қаратилган¹⁸. Айни чоғда, хитой тилида қўлланувчи ижтимоий-сиёсий терминлар генезиси шу кунга қадар тадқиқот объекти сифатида кун тартибига қўйилмаган, уларнинг шаклланиш усуллари, ривожланиш йўллари махсус ўрганилмаган.

Мавжуд илмий тадқиқотларининг турли-туманлигига қарамай, Хитой маҳаллий сиёсий ва маъмурий тизимнинг эволюцияси, унинг ҳозирги даврда хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологияси шаклланишига таъсири масаласи ноаниқлигича қолмоқда, шунингдек, лексик инновацияларнинг ижтимоий-сиёсий терминологик қатламни бойитиш объекти сифатидаги иштироки етарли баҳоланмаган, терминларни шакллантирувчи асосий жараёнлар белгиланмаган.

Ҳозирги хитой тилида қўлланувчи ижтимоий-сиёсий терминологик қатламнинг мавзуй гуруҳларини шакллаштириш манбалари сифатида ХХР раҳбарларининг нутқлари матнлари, шунингдек, хитой тилининг лексикографик материаллари асос вазифасини ўтади. Ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологик қатламига оид терминларни тизимлаштириш натижасида «Краткий китайско-русский и русско-китайский словарь общественно-политических терминов» луғати шакллантирилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Хорижий Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» ҳамда «Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: анъаналар ва ҳозирги замон» мавзусидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хитой сиёсий ва маъмурий-бошқарув тизимининг ижтимоий-сиёсий терминологиянинг шаклланиши, ривожланиши ва бойишига таъсири масаласини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Хитой Халқ Республикаси тил сиёсати контекстида ижтимоий-сиёсий терминологиянинг шаклланиши ва идентификацияси назарий асослари ҳамда ҳозирги хитой тилида ижтимоий-сиёсий терминлари тизимини шакллантирувчи жараёнларни аниқлаш;

¹⁷ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 185 с.; Абдуллаева Ш. Ғазначилик соҳасида қўлланиладиган молиявий-иқтисодий терминларнинг чоғиштирма тадқиқи (инглиз, ўзбек ва рус тиллари мисолида.): Филол.фан.бўйича фалс.док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2018. – 47 б.; Аҳмедов О. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. – Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2016. – 86 с.; Ёдгоров Ҳ. Ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг синхроник тадқиқи: Филол.фан.номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 1996. – 26 б.; Турсунова О. Тарихий манбаларда ҳуқуқ терминларининг қўлланилиши: Филол.фан.номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.

¹⁸ 高名凯。语言学概论。北京: 北京语言学院出版社, 1992. – 448 页; 裴亚军。国学术语规范问题//中国科技术语, 2009, №3. – P.11–14; 李建国。语言规范史略。–北京: 语文出版社, 2000. – 266 页; 梁爱林。从中文«术语学»的英译看术语学的研究应用领域//术语标准化与信息技术。–北京, 2004. №4. –P.3–6.

Хитой сиёсий ва маъмурий-бошқарув тизими ҳамда ташқи сиёсий фаолиятининг ижтимоий-сиёсий терминология шаклланишига таъсирини таҳлил қилиш;

ҳозирги хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий терминларнинг мавзуий гуруҳларини аниқлаш;

ҳозирги хитой тилидаги ИСТ ранг-баранглиги ва бойишига таъсир қилувучи сўз яшаш усуллари (аффиксация, композиция, қисқартмалар)ни таҳлил этиш;

ҳозирги хитой тилидаги ИСТнинг бойитиши ва такомиллашувида ўзлашмалар ҳамда неологизмларнинг аҳамиятини белгилаш.

Тадқиқотнинг объектини ХХР раҳбарларининг нутқ ва асарлари, хитой тилидаги расмий ва лексикографик манбалари асосида ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологияси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологияси систем-структур тадқиқининг назарий асослари, ИСТнинг шаклланиши ва ривожланиши, ушбу тизимнинг мавзуий гуруҳлари бўйича таснифи, ҳосил бўлиш моделлари, ҳамда ривожланиш динамикасининг ҳозирги хитой тили сиёсий дискурси билан ўзаро боғлиқ масалалари таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тўпланган материалларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тарихий-қиёсий, тавсифий, статистик, систем-структур, этимологик ва компонент таҳлил методлари асосида ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк маротаба хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологияси асосан, синхрон, ўрни билан диахрон аспектда ўрганилиши натижасида терминларнинг ҳосил бўлиш ва ривожланиш асослари, хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологиясининг милоддан аввал VII-III асрлардан ҳозирги кунга қадар мавжуд маъмурий бошқарув тизими билан боғлиқ тарихий қатламлари аниқланган;

ижтимоий-сиёсий терминларнинг шаклланиши, воқеланиш манбалари ва ривожланиш қонуниятлари асосида хитой тилидаги *термин* ва *ижтимоий-сиёсий терминология* тушунчаларининг ишчи дефинициялари белгиланган;

ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий терминларининг ҳосил бўлишида композиция усули ва қисқартмаларнинг фаоллиги далилланган;

таснифланган 4 та мавзуий гуруҳ кесимида ИСТ лексик қатламининг бойишига таъсир кўрсатувчи экстралингвистик омиллар асосланган;

ХХР сиёсий йўналишидаги туб ижтимоий-сиёсий реформаларнинг хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишига таъсири, ва аксинча, ижтимоий-сиёсий терминларнинг ХХРнинг сиёсий йўналишидаги давлат ва маъмурий-бошқарувдаги ўрни асосланган;

ХХРнинг ички сиёсати ва иқтисоди соҳаларидан глобал терминология соҳасига трансформация қилинган, ижтимоий-сиёсий терминология тизимидаги халқаро алоқаларга нисбатан мультипликатив таъсир ўтказувчи, ХХР раҳбарларининг замонавий сиёсий концепциялари доирасида вужудга келган 中国特色社会主义 Zhōngguó tèshè shèhuì zhǔyì *Хитой спецификасига эга*

бўлган социализм → 中国的全球发展 Zhōngguóde quánqiú fāzhǎn *Хитойнинг глобал тараққиёти* → 中国梦 Zhōngguómèng *хитойча орзуга йўл* → 中华民族伟大复兴 Zhōnghuá mínzú wěidà fùxīng *Хитой миллатининг буюк қайта туғилиши* → 人类统一命运共同体 rénlèi tǒngyī mìngyùn gòngtóngtǐ *инсониятнинг умумий тақдир жамияти* – бошқача айтганда, *хитой усулидаги глобализация* каби бир қатор янги терминлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ИСТнинг шаклланиши ва бойишида анъанавий хитой фалсафаси, Конфуций таълимотининг ўрни ва аҳамияти асосланган, шунингдек, ҳозирги хитой тили ИСТ тизимининг бойиши ва тараққий этишида экстралингвистик омилларнинг таъсири далилланган;

тематик тасниф асосида ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологияси чегаралари белгиланган;

диахрон ва лингвокогнитив таҳлил асосида ижтимоий-сиёсий терминларнинг этимологияси, семантик-стилистик ва лингвистик хусусиятлари очилган;

ҳозирги хитой тили ИСТ амалиётидаги янги шакллар ва шакл яратувчи жараёнларнинг кўлланилишига оид яхлит ёндашув шакллантирилган;

тадқиқот натижалари «Лингвистика (хитой тили)», «Халқаро муносабатлар», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Сиёсатшунослик» мутахассисликлари учун «Ҳозирги хитой тилида сиёсий дискурс» ўқув фани материаллари сифатида хизмат қилиши, луғатлар ва маълумотномалар учун амалий материал вазифасини бажариши мумкин.

Илмий тадқиқот таҳлил натижалари махсус илмий ишлар учун, жумладан: ХХР замонавий тил сиёсатининг ИСТ ривожига таъсири, халқаро алоқалар глобал трендларининг ҳозирги хитой тили ИСТси билан боғлиқлиги, ҳозирги хитой тили ИСТси ХХР «юмшоқ куч» сиёсатининг асосий аспекти сифатида гавдаланиши ва ҳоказо масалаларни ўрганишда кенг асос платформасини яратади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда фойдаланилган таянч тушунчалар асосида фундаментал илмий ва методологик, махсус адабиётларга таянилгани, ашёвий тил материаллари, тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот усуллари, илмий тадқиқот натижаларининг диссертация назарий концепциясига мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти махсус мақсадлар тили (ММТ) учун терминлар ясалишининг чегараларини аниқлаш имкониятини белгилашда, тил тизимининг моҳиятини очиб беришда, диахрония ва синхрония нуқтаи назаридан, ИСТ тизимнинг умумий ва фарқли хусусиятларини асослашда, ИСТ қатламнинг бойишига конфуцийлик анъаналари, ХХР тил сиёсатининг термин ясалиш тамойиллари ва лексик инновацияларнинг шаклланишига таъсирини ўрганишда қимматли далилларни бериши билан изоҳланади. Тадқиқот натижалари хитой тили лексикологияси, терминологияси ва лексикографияси масалалари тадқиқотга маълум даражада ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, илмий иш натижаларидан халқаро муносабатларнинг расмий ҳужжатлари билан ишлашда, шунингдек, ҳукуматлар, вазирликлар, идоралараро ўзбек-хитой ҳамкорлиги жараёнида, халқаро конференциялар, симпозиумлар, семинарлар, брифингларда қўллашда, улардан шартнома, келишув, баёнот, меморандум ва коммюникелар тузишда истифода этиш мумкин; олий таълим муассасаларида хитой тилини ўқитиш, дипломатик кадр ва таржимонларни тайёрлашда ашёвий материал сифатида; таржимачилик, хусусан, ёзма ва синхрон таржимада фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги хитой тили ИСТ тадқиқоти юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

ХХРдаги тил сиёсати ва ижтимоий-сиёсий терминология қатлами, хитой тилидаги термин ясалиши масалаларини ўрганиш натижалари ОТ-А1-018 «Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4307-сон маълумотномаси). Илмий хулосалар кўп тилли таржима луғатлар тузишнинг тамойиллари ва билингвизм масалаларини ёритишда хизмат қилган;

хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологияси таснифи, лингвистик ва экстралингвистик омилларга оид материаллар ва таҳлиллар натижалари 2018-2019 йилларда ХХР миллатлари Шимоли-ғарбий университетининг «乌兹别克民族来源历史» «Ўзбек халқининг келиб чиқиши» монографияси таржимасига оид илмий-амалий лойиҳа доирасида қўлланилган (ХХР миллатлари Шимоли-ғарбий университетининг 2019 йил 4 декабрдаги маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари икки тилли таржима жараёнида амалий база вазифасини ўтаган;

ҳозирги хитой тили ИСТ шаклланиши ва тараққиётига экстралингвистик омилларнинг таъсири ҳақидаги назарий ва аналитик хулосалар ПЗ-201709134 «Инглиз тилини филология соҳасида ўрганишда замонавий ёндашув, баҳолаш сифатининг шакли ва тамойиллари» мавзусидаги тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4307-сон маълумотномаси). Олинган натижалар тил ўрганишдаги термин ясовчи воситалар ривожини тамойилларининг аниқланишига кўмак берган;

хитой тили ИСТ тараққиёти босқичлари таҳлили натижалари давлат намунасидаги малака сертификати бериш кўзда тутилган хитой тилини эгаллаш ва тест топшириқларини тайёрлаш, хусусан, хитой тили бўйича ёзма ва оғзаки малакаларни баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг 2019 йил 23 декабрдаги 126-сон маълумотномаси). Диссертация натижалари ҳозирги хитой тили ИСТ мавзуй гуруҳлари таснифи асосида тест саволларини амалий материаллар билан бойитишга хизмат қилган;

ҳозирги хитой тилидаги ИСТнинг мавзуй таснифига оид материаллар ва таҳлиллар натижалари давлат намунасидаги малака сертификати бериш кўзда тутилган хитой тилини эгаллаш ва тест топшириқларини ишлаб чиқиш,

жумладан, хитой тили бўйича ёзма ва оғзаки HSK малакаларни баҳолашда қўлланилган (Россия Қозон Федерал университетнинг 2020 йил 22 январдаги 04-09/98-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ҳозирги хитой тили ИСТ қатламининг бойишида интралингвистик ва экстралингвистик омилларнинг таъсири ва ролини аниқлашга хизмат қилган;

тадқиқотнинг айрим назарий ва амалий материаллари, хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий терминларининг лексик-грамматик хусусиятлари, ясашиши масалалари «Филология ва тилларни ўқитиш (хитой тили)» таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун ҳозирланган «汉语»«Хитой тили» дарслигини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 19-апрелдаги 128-сон буйруғи, 128-061 рақамли гувоҳнома). Натижада, хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий терминларнинг семантик ва грамматик хусусиятлари, ҳосил бўлиш усуллари оид материаллар дарсликнинг ижтимоий-сиёсий мавзудаги матнларини тузишда қўлланилган, чунончи, мавзуга доир машқлар ва тестларни ишлаб чиқишда татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш: 1 та монография, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий мақола, жумладан 12 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 213 бетни ташкил этади. Тадқиқотда 163 саҳифалик Илова келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ҳамда вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Ижтимоий-сиёсий терминологиянинг систем-структур тадқиқининг назарий асослари» номли **биринчи боб**да терминологик тизимлар ва терминларни стандартлаштиришнинг ролига диққат қаратилди, терминологияни белгилаш, ХХРнинг ижтимоий-сиёсий терминология (ИСТ)ни идентификацияси масаласига доир тил сиёсати материаллари асосида термин ҳосил қилувчи жараёнлар тадқиқ этилган.

Фан ва техника тараққиётини маълум бир тизимда шаклланган ва юқори даражада ривожланган терминологиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис,

бир томондан, терминологияни чуқур тадқиқ этиш, иккинчи томондан, хитой ижтимоий-сиёсий терминологиясининг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш, ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг генезиси, воқеланиш қонуниятлари ва татбиғи масалалари таҳлили илмий-амалий аҳамиятга молик долзарб масала ҳисобланади¹⁹. Бу мақсадда терминлар тизимнинг асосий босқичларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи босқичда қўлланилаётган барча лексемаларни тизимлаштириш амалга оширилади. Кейин улар орасидан янги лексик бирликларни яратишда асос бўла оладиган энг муҳимлари ва зарурлари ажратиб олинади. Иккинчи босқичда мавжуд моделлар асосида тилдаги янги терминларни ясаш, тизимлаштириш ва татбиқ этиш усуллари ишлаб чиқилади. Башарти, ясалган терминлар қоидаларга биноан амалиётга татбиқ этилса, уларнинг расмий ҳужжатларда қўлланилиши мутаносиб шаклга киради. Учинчи босқичда терминларнинг фан ва ишлаб чиқариш талабларига мутаносиблигини таъминлаш учун терминлар тизими доимий назорат остида бўлади. Мазкур ишларнинг амалга оширилишида терминографияни йўлга қўйиш, чунончи, бир тилли изоҳли, икки тилли таржима луғатлар (муқобил терминлар тизими)ни тузиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, миллий ва халқаро терминологик тизимларни стандартлаштириш ишлари йўлга қўйилган²⁰. Зотан, айрим ҳолларда айна бир сўзнинг маънолари ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди²¹.

Ягона тил назарияси доирасида терминология махсус терминлар тизимини ташкил этиши мумкин. Бундай ёндашув бошқа, яъни «терминлар мегатил тизимидаги маълум бир фан ёки соҳага тааллуқли сўзлар ва сўз бирикмаларидир» таърифини келтириш учун асос бўла олади. А.Ҳожиёвнинг фикрича, терминология (termin+logos – сўз, таълимот) тилшуносликнинг терминларни тадқиқ этувчи бўлими ва маълум бир фан, касб ёки соҳага доир

¹⁹ Тилни тадқиқ этишнинг аҳамияти куйидаги ҳолатда ҳам маълум: Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганидан бери (2.01.1992) 500 дан ортиқ икки ва кўп томонлама келишувлар имзоланди. 2020 йилга келиб, Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестицияси 9 млрд. АҚШ доллардан ошди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 1600дан ортиқ хитой капиталига эга ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Шу сабабли хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологиясининг таҳлили долзарблик касб этади. Сўнгги қирқ йилда бу тилни ўрганишга бўлган қизиқишнинг кучайганлиги кузатилади. Хитой Маориф вазирлигининг маълумотига кўра, чет мамлакатлардаги хитой тилини ўрганувчилар сони 40 млн. кишини ташкил этади. Ҳар йили Хитой университетларида 90 000 чет эл фуқаролари таҳсил олади. Хитой тили ва хитойшунослик бўйича мутахассис кадрларни тайёрлаш Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Самарқанд ва Фарғона давлат университетлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда.

²⁰ Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ISO) стандартлаштириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради. Терминология масалалари билан ушбу ташкилотнинг ISO/TC-37 «Терминология (тамоийиллар ва мувофиқлаштирув)» техник қўмитаси шуғулланади, 1977 йилдан доимий равишда халқаро симпозиумлар, семинарлар ташкиллаштирилади. Баъзи мамлакатларда терминология соҳасида яратилган маълумотлар банки фаолияти «Эуронет» (Euronet European Information Network) Бирлашган ахборот тизими томонидан бошқарилади. Бу тизим ёрдамида ахборот алмашинуви ва библиографияларни тузиш ишлари йўлга қўйилган. Терминология соҳасидаги ахборот алмашинуви «Инфотерм» ташкилоти томонидан амалга оширилади.

²¹ Бундан ташқари, терминлар ва терминологик тизимлар тараққиёти даражаси ва тезлигининг замонавий алоқа тизимлари, биринчи навбатда, Интернет тизимида мутаносиб келмаслиги кузатилади. Хусусан, Интернетнинг изловчи тизимларида бирор термин ҳақидаги аниқ маълумотни ахтариш ва топиш борган сари мураккаблашмоқда (Aport, Ask, Altavista, Aol, Britannica, Google, Myway, Meta, Mail, Ragy, Rambler, Search, Yahoo, Yandex ва б.).

терминлар йиғиндисидир²². Терминологик тизимда экспрессив мазмунли терминлар қўлланилмайди. Бироқ адабиёт, санъат, меъморчилик ёки маданият соҳасида бундай терминлар учраши мумкин. В.М.Лейчикнинг фикрига қараганда, терминологиянинг предметлари каторига термин тушунчаси, унинг формал ва когнитив тузилмаси, термин вазифалари тизими, терминлар типологияси ва таснифи, терминларнинг яратилиш хусусиятлари, тараққиёти ва бошқаларни киритиш мумкин²³.

Қайд этиш зарурки, терминологиянинг ютуқлари баъзи вазиятларда давлат манфаатларини таъминлаш учун хизмат қилади, айти мақсадда ҳуқуқий асосни шакллантиради. Терминшунослик масалаларига юзаки муносабатда бўлиш халқаро алоқаларда маълум муаммонинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу жиҳат ижтимоий-сиёсий терминлар, хусусан, ҳозирги хитой тилидаги ИСТ тизимини атрофлича ва чуқур ўрганишни тақозо этади. Хитой терминшунослигининг шаклланиши ва тараққиёти сўз яшаш анъаналари доирасида рўёбга чиқади. Ушбу анъана хитой терминологиясининг мақсади ва вазифалари ҳақидаги қадимги мутафаккирларнинг тажрибаларини давом эттирмоқда, ижодий ривожлантирмоқда. Хусусан, Конфуций ва бошқа олимларга тегишли 没有术语就没有知识 méiyǔ shù yǔ jiù méiyǔ zhī shì терминологиясиз билим йўқ тарзидаги фикрнинг чуқур фалсафий ғояси ҳам маълум. Хитойда дастлабки терминологик ташкилотнинг тузилиши 1909 йилга тўғри келади. 1985 йилда Илмий-техник номларни тасдиқлаш бўйича Умумхитой кўмитасининг (全国科学技术名词审定委员会 Quánguó kēxué jìshù míngcí shěndìng wěiyuánhùi) таъсис этилганлиги тил сиёсатининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатади.

Илмий-техник терминологияни ишлаб чиқиш ва тартибга солишнинг бошланғич босқичида фақат от терминлар (名词 míngcí) тўпланган ва тартибга келтирилган. Шу туфайли терминологик ташкилотларнинг номлари отлар билан боғлиқ бўлган. От терминларга диққат қаратилганликнинг боиси анъаналар, яъни қадимги термин яратиш концепцияси 正名 zhèngmíng «Аниқ ном»да айнан «名 míng» «Исм»нинг тўлақонли категорияси мавжудлиги билан изоҳланиши мумкин. Масалан, ХХР Терминологик кўмитасининг «全国科学技术名词审定委员会 quánguó kēxué jìshù míngcí shěndìng wěiyuánhùi» ўзбек тилида «Илмий-техник отларни тасдиқлаш бўйича Умумхитой кўмитаси», инглиз тилида эса «China National Committee for Terms in Sciences and Technologies» (CNCTST) кўринишига эга²⁴. Хитойлик олимларнинг тадқиқотларида *термин* ва *терминология* тушунчалари бир-биридан ажратилмайди, балки 术语学 shù yǔ xué сўзма-сўз *терминлар ҳақида фан* шаклида берилади. Ҳозирги хитой тилида terminology икки маънода таржима қилинади: 术语学 shù yǔ xué *терминлар ҳақидаги фан* ва 术语 shù yǔ *термин* ёки *терминлар йиғиндисиди*, яъни *терминология*. Бугунги кунда «терминшунослик» «术语学 shù yǔ xué «*терминлар ҳақидаги фан*, 术语总汇

²² Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б.104.

²³ Лейчик В.М. Терминоведение. Предмет, методы и структура. – М.: ЛИБРОКОМ, 2009. – С. 256.

²⁴ Ушбу ҳолат турли маданият ва тилларда мураккаб муаммонинг мавжудлиги, терминни бир тилдан иккинчи тилга ўгиришдаги қийинчиликларни кўрсатади.

shùyǔ zǒnghuì *терминология эса, сўзма-сўз, умумий мажмуа, умумий тўплам, умумий оқим, терминларнинг умумий марказлашуви* (总汇 zǒnghuì *оқим, марказлашув, марказ, блок*) шаклида ўгирилади²⁵. Чжэн Шупунинг фикрича, ХХР ташкил топганидан буён узоқ муддат терминшунослик соҳасидаги назарий тадқиқотлар ташкилий, методологик, илмий ва амалий жиҳатдан паст савияда қолди. Назарий тадқиқотларнинг паст савияда бажарилиши терминологик ишларга ҳам салбий таъсир кўрсатди²⁶.

Шу тариқа, ўтган асрнинг охирида хитой терминшунослигининг мақсадлари ва бош вазифалари белгиланди. Ўша кезларда хитой тилидаги *терминшунослик* фанига 术语学 shùyǔxué номи берилди ва у асосланди. «Терминшунослик» маъносидаги 术语学 shùyǔxué хитой терминологияда категориал-тушунчавий аппаратининг тартибга солинишида кўмак берди. Хитой терминшунослиги тараққиётининг ҳозирги босқичи мамлакатнинг барча жабҳаларида терминологик тизимнинг сезиларли даражада фаоллашгани билан характерланади. Хитой терминшуносларининг саъй-ҳаракати натижасида 58 та стандартлаштирилган терминлар тўплами нашр этилди. Хусусан, 天文学名词 tiānwénxué míngcí *астрономия терминлари*; 地理学名词 dìlǐxué míngcí *географик терминлар*; 土壤学名词 tǔrǎngxué míngcí *тупроқшунослик терминлари*; 微生物学名词 wéishēng wùxué míngcí *микробиология терминлари*; 物理学名词 wùlǐxué míngcí *физика терминлари*; 医学名词 yīxué míngcí *тиббий терминлар* (6 та китоб); 遗传学名词 yíchuánxué míngcí *генетика терминлари*; 海洋科技名词 hǎiyáng kējì míngcí *денгизчилик илмий-техник терминлари*; 测绘学名词 cèhuìxué míngcí *картография ва топография терминлари*; 化学名词 huàxué míngcí *кимё терминлари*; 植物学名词 zhíwùxué míngcí *ботаника терминлари*; 人体解剖学名词 réntǐ jiěpōuxué míngcí *анатомия терминлари*; 细胞生物学名词 xìbāo shēngwùxué míngcí *ҳужайра биологияси (цитобиология) терминлари*; 力学名词 lìxué míngcí *механика терминлари*; 数学名词 shùxué míngcí *математика терминлари*; 电子学名词 diànzǐxué míngcí *электроника терминлари*; 地质学名词 dìzhíxué míngcí *геология терминлари* шулар жумласидандир.²⁷ Хитой терминологияси тушунчавий-категориал аппаратининг шаклланиши босқичма-босқич амалга ошган. Чжэн Шупу, У Ликунь, Чжан Чуньсинь, Е Цисун сингари олимлар ҳозирги хитой тилшунослиги назарий-методологик асосларининг шаклланишида Россия терминшунослик мактабининг алоҳида ўрнини қайд этишади²⁸. Маълумки, ижтимоий-сиёсий терминларга модаллик ҳамда экспрессив вазифани бажариш ҳам хос бўлиб, модалликни ифодалаш, яъни аксарият

²⁵ Очиров О.Р., Линь Ч. Вопросы китайского терминоведения: от традиции «Упорядочения названий» к современной теории // Вестник Нижегородского университета им. Н.Лобачевского, 2015. – №3. – С.192.

²⁶ 郑述谱。俄罗斯当代术语学。–北京: 商务印书馆, 2005. – 10 页。

²⁷ Очиров О.Р., Линь Ч. Вопросы китайского терминоведения: от традиции «Упорядочения названий» к современной теории // Вестник Нижегородского университета им. Н.Лобачевского, 2015. – №3. – С.192-199.

²⁸ 郑述谱。俄罗斯当代术语学。–北京: 商务印书馆, 2005. – 288 页; 吴丽坤。俄罗斯术语学探究。–北京: 商务印书馆, 2009. –278 页。

ИСТнинг маъно кўламида баҳолаш компоненти мавжудлигини таъкидлаш мумкин²⁹.

Хитойдаги лисоний ранг-баранглик, ахборот технологиялари ва глобализация жараёнлари тараққиёти оқибатида, ижтимоий-сиёсий терминологияни стандартлаштириш ва идентификациялаш масалалари долзарблик касб этди. Зеро, давлатнинг тарихий тараққиётидаги ҳар бир янги босқич лисоний «қайта қуриш»га олиб келади, тилнинг лексик-фразеологик тезаурусини вокелантиради, бу ҳолат ҳозирги хитой тили терминологияси, билингвизм, шунингдек, майда элатлар тиллари ва диалектларни ўрганиш бўйича Хитой ҳукумати сиёсатида таъсир кўрсатди.

«Ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологиясининг шаклланиши» номли **иккинчи боб**да ижтимоий-сиёсий терминологиянинг шаклланиш асослари, унинг тадрижий шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар ўрганилган, ИСТнинг лексик-семантик таҳлили амалга оширилган.

Хитой тили фалсафий терминологиясининг асосчилари сифатида хитой мантиқий-фалсафий дунёқарашига асос солган Конфуций (孔子, э.а.551-479йй.), Мэн-цзи (孟子, э.а.372-289 йй.), Лао Цзи (老子, э.а.VI-Vйй.), Чжуан Цзи (庄子 э.а. IV-III аа.), Сюнь-цзи (荀子 э.а.IV-III аа.) ва бошқа қадимги мутафаккирлар эътироф этилади. Улар ўз асарларида хитой тили ва унда термин яратишнинг онтологик, антропологик, ижтимоий-гносеологик, ижтимоий-эпистемологик ва мантиқий-семантик асосларини тушунтиришга изчил ёндашишган. «正名 zhèngmíng «терминларини тартибга солиш масаласи бўйича Сюнь-цзининг онтологик, антропологик, мантиқий-эпистемологик қарашларини ўз ичига олган «荀子 Xúnzi» китоби ва фалсафий ижоди ҳозирги Хитой терминшунослари томонидан кўз қорачиғидай асраб келинмоқда, унга шарҳлар ёзиш давом этмоқда. Масалан, 1979 йилда «荀子新解» Xún zǐ xīn jiě («Сюнь-цзига янги шарҳлар») китоби чоп этилди. «正名 Zhèngmíng «номли асар қадимги хитой файласуфи Гунсунь Луннинг «оқ от» ва «от» сўзларининг фарқини ифодаловчи «白马非马 Báimǎ fēi mǎ «тезисининг юзага келишига туртки берди (公孙龙 э.а.IV-III а.)³⁰. Гунсунь Лун анъаналарнинг кўзга кўринган давомчиси сифатида «正名 Zhèngmíng» исмларини тартиблаштириш концепциясини мантиқий-семантик аспектда ўрганган, исмлар, исмларнинг якка реалаялар билан алоқасини мутлақлаштирган. Бундан ташқари, Гунсунь Луннинг фикрича, «名 Míng «отининг мустақиллиги, ҳар бир исмнинг ягона аниқ «事 Shì «реалаяси билан алоқаси сўзсиз реалаянинг ўзгариши ҳолатида исмнинг ўзгаришини ҳам тақозо этади ва аксинча. Гунсунь Лун мантиқ ва грамматикани синкретик тарзда бирлаштирувчи мантиқий-грамматик назарияни қуришга ҳаракат қилган³¹.

²⁹ Магомедова Н.М. Общественно-политическая терминология даргинского языка: Дис. ... канд. филол.наук. – Махачкала, 2011. – С.12.

³⁰ Магомедова Н.М. Общественно-политическая терминология даргинского языка: Дис. ... канд. филол.наук. – Махачкала, 2011. – С.80.

³¹ Очиров О.Р., Линь Ч. Вопросы китайского терминоведения: от традиции «Упорядочения названий» к современной теории. Вестник Нижегородского университета им. Н. Лобачевского, 2015. – №3. – С.192-199.

Хитой ижтимоий-сиёсий терминологияси генезисини тадқиқ этиш қадимги Хитойдаги сиёсий тизим қурилиши, тарихи ва дипломатик фаолияти тамойиллари билан бевосита боғлиқ. Қадимдан мавжуд бўлган, бир сулоладан бошқа сулолага ўтувчи бошқарувнинг иерархик тизими ҳозирги Хитой маъмурий бошқаруви тизимида ҳам ўз ифодасини топган.

ХХР ташкил топганидан сўнг халқаро ҳамкорлик бўйича кадрлар тайёрлаш масаласи кун тартибига чиқди. Турли мамлакатлар билан ўрнатилган фаолият расмий-иш ҳужжатчилигига оид лексиканинг пайдо бўлишига олиб келди.

Хитой ташқи сиёсий терминологиясига хос ғоявий-назарий асосларнинг шаклланиши эрамиздан аввалги VII-III асрларга бориб тақалади. Хитойнинг илк ташқи сиёсий фаолияти Ғарбий Чжоу сулоласи ҳукмронлиги даврида бошланган (э.а.1066 – 771). Икки ярим минг йил аввал ягона империя учун «марказлашув фалсафаси»нинг яратилиши ташқи сиёсий доктриналар учун ғоявий асосга айланди. Хитой императори – «Само ўғли» дунё тартибининг ягона белгиловчиси сифатида талқин қилина бошланди. Эрадан аввалги V – III асрларда давлат алоқаларининг усуллари, хусусан, «узоқ подшоҳликлар билан яқин подшоҳликларга қарши иттифоқ» сиёсати ишлаб чиқилди³². Шу тариқа, ижтимоий-сиёсий терминология лексик-семантик генезиси тараққиётнинг маълум босқичларида ҳозирги хитой тили терминологик таркибининг бойишида ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлиб, нафақат давлат тузилмалари, балки халқаро муносабатларнинг ривож, ижтимоий, ҳуқуқий, моддий, сиёсий институтларнинг ташкил топишига ишора қилади.

Ижтимоий-сиёсий терминологиянинг шаклланиши қадимги Хитой маҳаллий сиёсий тизимининг даврларга бўлиниши билан боғлиқ эволюциясига бориб тақалади: 分封 fēnfēng *лен тизими*; 郡县 jùn xiàn *префектура-уезд тизими*; 州郡 zhōu jùn *автоном префектура ва префектуралар тизими*, 道路 dàolù *маъмурий бирликлар тизими* 道 dào ва 路 lù; 行省 xíng shěng *провинциялар* ривожланиб борган, босқичма-босқич бир-бирининг ўрнида қўлланиб келган³³. *Лен тизими* 分 fēn, тарихий маълумотларга кўра, Ся, Шан ва Ғарбий Чжоу сулолаларининг кулдорлик даврида фаолият кўрсатган маҳаллий сиёсий тизим саналади. *Префектура-уезд тизими* 郡县 jùn xiàn – Жанг қилаётган подшоҳликлар ва Чуньцю даврида юзага келган кўҳна, нисбатан яхлит маҳаллий сиёсий тизим ҳисобланган.

XX аср ХХР маъмурий қурилиши терминологияси тадқиқи алоҳида аҳамият касб этади. Ижтимоий-сиёсий терминология масалалари бевосита Хитой маъмурий ва ташкилий тизими билан боғлиқ (中国行政组织 Zhōngguó xíngzhèng zǔzhī). Хитой маъмурий ва ташкилий тизими 中央人民政府国务院 Zhōngyāng rénmín zhèngfǔ guówùyuàn *Марказий халқ ҳокимиятининг давлат кенгаши* ва 地方人民政府 dìfāng rénmín zhèngfǔ *барча даражалардаги маҳаллий халқ ҳокимиятидан* ташкил топган ҳамда Хитой Халқ Республикасининг муҳим бўғини ҳисобланади. ХХР ташкил топишининг бошланғич босқичида 中央人民政

³² Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. – М., 1981. – С.135

³³ 黄金祺。什么事外交。–北京, 2004. – 4 页; 卓泽渊。中国的政治之路。–北京, 2018. – 67 页; 番新明。外事使用文书大全。–北京: 世界知识出版社 1994. – 50 页; 王玉林。名称由来 1001。–北京, 1996. – 96-97 页。

府 Zhōngyāng rénmin zhèngfǔ *Марказий халқ ҳокимияти* «中国人民政治协商会议共同纲领 Zhōngguó rénmin zhèngzhì xiéshāng huìyì gòngtóng gānglǐng» «Хитой Халқ сиёсий консултантатив кенгашининг умумий Низоми» ва «中华人民共和国中央人民政府组织法 Zhōnghuá rénmin gònghéguó zhōngyāng rénmin zhèngfǔ zǔzhī fǎ» «ХХР Марказий халқ ҳокимиятининг Қонуни»га мувофиқ тарзда тузилган, 政务院 маъмурий кенгаш эса энг олий давлат бошқаруви органи вазифасини ўтаган³⁴.

Хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий терминларнинг пайдо бўлиши масаласи «ҳозирги хитой тилида кенг қўлланадиган ижтимоий-сиёсий терминлар қандай пайдо бўлган», «қадимги даврларда уларнинг муқобиллари бўлганми, терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари доирасида трансформация қандай рўй берган» каби кўплаб саволларни туғдиради. Аниқлик киритиш мақсадида ҳозирги 外交 wàijiāo дипломатия термини мазмунидан анчагина фарқланувчи қадимги 外交 wàijiāo дипломатия терминининг мазмун-моҳиятини кўриб чиқиш зарур. Хитой манбаларига кўра, «хизматкор ўз ҳукмдорининг ишончини суистеъмол қилмаслик учун 外交 дан қочиниши керак»³⁵. Демак, 外交 wàijiāo бошқа ҳукмдор билан яширин алоқаларини назарда тутди. 外交 wàijiāoning бошқа бир маъноси «шахсий ижтимоий муносабат»ни ифодалайди. «Денг Тонг таржимаи ҳоли» асарида таъкидланганидек, «Денг Тонг 外交 wàijiāoга совук муносабатда бўлган»³⁶. Бу ҳолатда 外交 wàijiāo асосан «яширин алоқалар» ёки «бошқа шахслар билан ижтимоий муносабатлар» маъносини англатади. 外交 wàijiāo сўзи дипломатия терминига муқобил термин сифатида яқиндан бошлаб қўлланилмоқда. 外交 wàijiāo термини сўзма-сўз «ташқи алоқалар» ёки «чет давлатлар билан алоқа» маъносини ифодалайди. «词源 Ци Юэн» луғатидаги изоҳга кўра, 外交 wàijiāo «давлатлараро амалга ошириладиган муносабатлар ва давлатлар ўртасида имзоланадиган келишувлар» маъноларини англатади³⁷. Шу тарзда, ХХ аср бошларида шакланган маъмурий қурилиш Хитой институционал ислохотлари тараққиёти билан бевосита алоқадор хитой тили терминологиясини бойитадиган лексиканинг пайдо бўлишига кучли таъсир кўрсатганини далиллайди.

«Ижтимоий-сиёсий терминологиянинг мавзуий гуруҳлари ва ҳосил бўлиш усуллари» номли учинчи боб ижтимоий-сиёсий терминологиянинг мавзуий гуруҳлари (МГ) ва уларнинг ясалиш усулларини ўрганишга бағишланган.

Терминларни тизимлаштириш жараёнида уларни маъно-мазмуни, лисоний шакли, вазифаси, тилнинг ички ва ташқи белгиларига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ. Булар бир-бирини инкор этмайдиган таснифлар бўлиб, ҳар бири муҳим аҳамият касб этади³⁸. Шубҳасиз, ижтимоий-сиёсий лексика иқтисод, фалсафа, социология, маданиятшунослик, тарих ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг мавзу доирасига киради. Шу боис улар мазкур соҳаларнинг терминлари сифатида ўрганилиши мумкин. Бундан ташқари, ижтимоий-сиёсий

³⁴ 中国大百科全书. 政治学。—北京, 1998。—P.595

³⁵ 黄金祺. 什么事外交。—北京, 2004。—1页。

³⁶ 史记. 邓通传。—134页

³⁷ 辞源 1-4。—北京, 1986。—3009页

³⁸ Лейчик В.М. Терминоведение. Предмет, методы и структура.—М.: ЛИБРОКОМ, 2009.—С. 88.

лексика маълум бир даврда аввал неологизм тарзида дунёга келади, сўнгра кенг истеъмолга чиқади, кейинчалик тил саҳнасидан аста-секин кетиш натижасида историзмлар қаторидан ўрин олади. Ижтимоий-сиёсий терминологияни гуманитар билимларнинг турли соҳаларини акс эттирувчи мавзуий гуруҳларга таснифлаш терминологик лексикани тизимлаштиришининг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Мавзуий гуруҳлар ва бошқа систем-структур ясалмаларнинг чегараланишида, биринчи навбатда, тузилма унсурлари ўртасидаги лисоний/нолисоний шартланганлик мезонлари ҳисобга олиниш керак. Зеро, МГ учун унинг элементлариаро муносабатларнинг экстралингвистик асоси характерлидир³⁹. МГ ва ЛСГ орасидаги дифференциялашган белгиларни излаш, Л.Вейсгербер таъкидлаганидек, маълум маънода қийинчилик туғдиради⁴⁰. Қайд этиш зарурки, Л. Вейсгербер «лисоний майдон» ва «лексик-семантик гуруҳ» тушунчаларини бир-биридан ажратган, бироқ ЛСГ' структур ва функционал жиҳатдан тилнинг семантик тизимига айнан мос келиши, МГ эса «ташқи дунё билан алоқа» асосида аниқланишини таъкидлайди⁴¹.

МГларни бошқа систем-структур тузилмалардан ажратишга кўмак берувчи муҳим хусусиятлардан яна бири уларнинг элементлари орасидаги мутлақо фарқли муносабатларнинг мавжудлигидир (маълум бир вазиятда ички тузилмавий алоқалар умуман бўлмайд). Мавзуий гуруҳ элементлари тартиблаштирилишининг асосий кўриниши санаб чиқишдан иборат. ЛСГ бирликлари МГ дан фарқли ўлароқ, бир чизикли тузилма билан эмас, балки «икки ўққа асосан қурилган семантик майдон тамойили»га асосланган тузилма билан характерланади⁴². Мазкур тадқиқотда асосан тўрт мавзуий гуруҳ (1516 та термин) таҳлилга тортилди:

1) маъмурий-сиёсий терминлар: (中国共产党 Zhōngguó gòngchǎndǎng *Хитой коммунистик партияси*, 党的全国代表大会 dǎngde quánguó dàibiǎo dàhuì *Хитой Коммунистик партиясининг бутун Хитой қурултойи*, 中共中央委员会 Zhōnggòng zhōngyāng wěiyuánhùi *Хитой Коммунистик партиясининг Марказий Қўмитаси (ХКП МҚ) ва б.*); ХХР ҳокимиятининг маъмурий тузилмаси (全国人民代表大会 quánguó rénmin dàibiǎo dàhuì *Халқ вакилларининг бутун Хитой йиғилиши (ХВБХЙ)*, 最高人民法院 zuìgāo rénmin fǎyuàn *Олий халқ суди*, 法律委员会 fǎlǜ wěiyuánhùi *Қонун чиқарувчи қўмита ва б.*); турли лавозим, мансаб терминологияси: ХХР ҳокимиятининг раҳбар ходимлари (主席 zhǔxí, 委员长 wěiyuán zhǎng *Раис*, 最高统帅 zuìgāo tǒngshuài *Олий бош қўмондон*) ва ҳ.к.

2) ҳарбий терминлар: 国防部 guófángbù *Мудофаа вазирлиги*, 中央军委 zhōnggòng zhōngyāng jūnshì wěiyuánhùi *ХКП МҚ Ҳарбий кенгаши*, 总参谋部 zǒng cānmóubù *Бош штаб*, 中国人民解放军 Zhōngguó rénmin jiěfàngjūn *Хитой халқ-озодлик армияси (ХХОА) ва б.*

³⁹ Загребельный А.В. Лексика общественно-политической сферы русского языка начала XX века в семасиологическом и функциональном аспектах: Дис. ... канд.филол.наук. – Вологда, 2010. – С.24.

⁴⁰ Васильев Л.М. Теория семантических полей // Вопросы языкознания. – 1971. – №5. – С. 109.

⁴¹ Там же. – С.109.

⁴² Куликова И.С. К определению лексико-семантической группы слов. XXI Герценовские чтения. Филологические науки. – Л., 1968. – С. 29.

3) дипломатик терминлар: 外交人员 wàijiāo rényuán *дипломатик ходим*, 大使 dàshǐ *элчи*, 特派大使 tèpài dàshǐ *фавкулудда элчи*; 全权公使 quánquán gōngshǐ *мухтор вазир*, 领事代办 lǐngshì dàibàn *ишончли вакил*, 参赞 cānzàn *маслаҳатчи*, 专员 zhuānyuán *атташе*, 外交部 wàijiāobù *ташқи ишлар вазирлиги*, 外交人员免除关税核查验 wàijiāo rényuán miǎnchú guānshuì hé cháoyàn *дипломатик ходимларни текширув ва бож тўловларидан озод қилиш*, 受欢迎的人 shòu huānyíng de rén *грата шахс* ва ҳ.к.

4) ҳуқуқ терминлари: 中华人民共和国宪法 Zhōnghuá rénmín gònghéguó xiànfǎ *ХХР конституцияси*, 选举权 xuǎnjǔquán *сайлов ҳуқуқи*, 绝对主权国 juéduì zhǔquán guó *мутлақ суверен давлат*, 条约的取消 tiáoyuē de qǔxiāo *шартноманинг бекор қилиниши* ва б.

Хитой тили ижтимоий-сиёсий терминологиясининг ясалиш усуллари (композиция, аффиксация, қисқартириш) ижтимоий-сиёсий, тарихий-маданий, микдорий ва сифат ўзгаришлар, шунингдек, янги лингвистик ва экстралингвистик омиллар фонида ИСТ шаклланиши ва қўлланишидаги жараёнларнинг хилма-хиллигига ишора қилади. Шубҳасиз, айрим сўз яшаш моделлари ИСТ майдони ва платформасида ўзининг репрезентативлигини кучайтиради. Терминологияда аффиксация усули иккинчи, самарадорлиги–маҳсулдорлигига кўра, композиция усулидан кейин учинчи ўринни эгаллайди⁴³. Аффикслар грамматик мазмун касб этувчи морфемалар бўлиб, префикслар, суффикслар ва яримсуффиксларни ўз ичига олади⁴⁴. Аффикслар ва яримаффиксларни бир-биридан ажратиш масалалари В.Цикин, И.Жданкин, О.Фролова, С.Ҳошимованинг ишларида кўриб чиқилган⁴⁵. Хитой тилшунослари орасида айрим морфемаларни тан олиш ёки олмаслик борасида фарқли ёндашувлар мавжуд. Лу Чживейнинг фикрича, хитой тилида фақат учта, яъни 第 dī, 老 lǎo ва 小 xiǎo префикслари иавжуд⁴⁶. ИСТнинг ясалишида 第 dī префиксининг қўлланиши кўзга ташланади. Чунончи, 外交人员 wàijiāo rényuán *дипломатлар*, 机构 jīgòu *тизим* гуруҳига кирувчи 第一秘书 dì yī mìshū *биринчи котиб*, 第二秘书 dì èr mìshū *иккинчи котиб*, 第三秘书 dì sān mìshū *учинчи котиб*; 第一(二...六)委员会 dì yī (èr... liù) wěiyuánhui *биринчи (иккинчи... олтинчи) қўмита* терминлари шу префикс ёрдамида ясалган. Бунинг муқобили сифатида 等 děng префикси ишлатилади, бироқ бу префикс «даража (синф, рутба, мансаб)» маъносини англатади: 一等秘书 yīděng mìshū *биринчи котиб (биринчи даражалар)*, 二等秘书 èrděng mìshū *иккинчи котиб (иккинчи даражалар)*, 三等秘书 sānděng mìshū *учинчи котиб (учинчи даражалар котиб)* ва ҳ.к. Жен Сюэлян қарашига кўра, 反 fǎn *анти* сўз ясовчи мофрема инглиз тилидан ўзлашган

⁴³ Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия: Филол.фан.докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 2020. – Б.41.

⁴⁴ Семенов А.Л. Лексика китайского языка. – М.: Муравей, 2000. – С. 89.

⁴⁵ Цыкин В.А. Полуаффиксация в системе китайского словообразования // Вопросы языкознания, 1979. – С.45; Жданкин И.В. Слова единицы речи в китайском языке. – М., 1986. – С.78; Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Новосибирск, 1981. – С.56; Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия: Филол.фан.докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 2020. – 57 б.

⁴⁶ 陆志韦. 汉语的构词法. – 北京, 1964. – 164 页.

префикс-калька бўлиб, 反对票 fǎnduì piào қарши овоз бермоқ, 反击 fǎnjī қарши зарба, 反民主 fǎn mínzhǔ антидемократик, 反冲击 fǎn chōngjī контрзарбага ўтмоқ⁴⁷ каби терминлар таркибида воқеланади. «Янги аффикслар» ҳақида фикр юритилганда, хитойлик лингвистлар улар қаторига 不 bù -но, 非 fēi -но, 无 wú -сиз, 反 fǎn-анти, 单 dān моно-, 多 duō -поли аффиксларини қиритишади⁴⁸.

Икки бўғинли сўзлар	A → B	A Вни аниқлайди, A Вга бўйсунди (тобеланиш)	悼词 dàocí таъзия нутқи (悼 dào мотам тутмоқ + 词 cí сўз); 午宴 wǔyàn тушлик зиёфат (午 wǔ тушлик + 宴 yàn зиёфат); 外侨 wàiqiáo эмигрант (外 wài таиқи + 侨 qiáo кўчиб келган киши)
Уч бўғинли сўзлар	A → BC	A ВСни аниқлайди, A ВСга бўйсунди	副部长 fùbùzhǎng вазир ўринбосари (副 fù вице- + 部长 bùzhǎng вазир); 核大国 hédàguó атом қуролига эга давлат (核 hé ядро + 大国 dàguó давлат)
	AB→C	AB Сни аниқлаб беради, AB Сга бўйсунди	大使及 dàshǐjí элчи даражаси (大使 dàshǐ элчи + 及 jí даража); 大使馆 dàshǐguǎn элчихона (大使 dàshǐ элчи + 馆 guǎn резиденция); 外交部 wàijiāobù Таиқи ишлар вазирлиги (外交 wàijiāo таиқи алоқа + 部 bù бўлим)
	A→B→C	уч компонентнинг барчаси мустақил ва бир-бирига тобе эмас	亚洲司 Yàzhōusī Осиё давлатлари бошқаруви (亚 Yà Осиё + 洲 zhōu минтақа + 司 sī бошқарув)
Тўрт бўғинли сўзлар	A B→C D	A B ва C D бир яхлитликни ташкил этади. AB CDни аниқлаштиради	工作人员 gōngzuò rényuán ходимлар (工作 gōngzuò иш, ишламоқ + 人员 rényuán одам) 外交人员 wàijiāo rényuán дипломатик ходим (外交 wàijiāo таиқи алоқа + 人员 rényuán одам)
	A B C→D	ABC бир яхлит маънони ифодалайди ва Dни аниқлаштирувчи компонент сифатида қўлланилади	外交官衔 wàijiāo guānxián дипломатик даража (外交官 wàijiāoguān дипломат + 衔 xián даража) 外交部长 wàijiāo bùzhǎng таиқи ишлар вазирлиги (外交部 wàijiāobù ТИВ + 长 zhǎng бошлиқ)
	A →B CD	BCD яхлитлик ташкил этиб, A учун аниқлаштирувчи сифатида ишлатилади	总领事馆 zǒng lǐngshìguǎn бош консуллик (总 zǒng асосий + 领事馆 lǐngshìguǎn консуллик); 总事务司 zǒng shìwùsī хўжалик бошқаруви (总 zǒng асосий, умумий + 事务司 shìwùsī ишлар бошқаруви).

⁴⁷ 任学良.汉语词语法. –北京, 1981. – 44 页.

⁴⁸ 任学良.汉语词语法. –北京, 1981. – 45 页.

Композиция усулининг атрибутив модели хитой тилшунослигида олти термин билан ифодаланди: 1) 偏正式 piān zhèngshì - тобе алоқали модель; 2) 附加式 fùjiā shì - битишув алоқали модель; 3) 主从式 zhǔ cóng shì - тобе алоқали модель; 4) 修饰式 xiūshì shì - аниқловчили модель; 5) 向心式 xiàng xīn shì - марказлаштирилган модель; 6) 规定式 guīdìng shì - аниқловчили модель⁴⁹. Атрибутив модель орқали ясалган сўзнинг асосий ўзаги фарқли белгиларнинг хилма-хиллигини намоён этади, тобе қисм эса асосий ўзакнинг турли аспектларини билдиришга хизмат қилади. Компонентлар орасидаги муносабат фарқли сифатлар орқали ифодаланиши мумкин (атрибутив алоқалар доирасида). Агар морфемлар А, В, С, D ҳарфлари орқали ифодаланса, тобеллик « → » ишораси билан белгиланса, у ҳолда бундай алоқаларни қуйидаги тартибда тавсифлаш мумкин.

Композициянинг атрибутив модели кўп қўлланиладиган модель ҳисобланади. Қайд этиш зарурки, ушбу модель асосида турли синтактик вазифаларни бажарувчи сўзлар ясалиши мумкин, яъни бундай моделли терминлар гапда ҳар қандай гап бўлаги вазифасини бажариши мумкин.

Атрибутив модель асосида ясалган отларнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, аниқланмиш асос от, аниқловчи эса от, сифат, феъл, шунингдек, сон, ҳисоб сўзи, олмош билан ифодаланиши мумкин⁵⁰. Масалан: 名 míng от + 名 míng от: 主席 zhǔxí *раис* (主 zhǔ *хўжайин* + 席 xí *жой*); 律师 lǜshī *адвокат* (律 lǜ *ҳуқуқ* + 师 shī *ўқитувчи*); 国书 guó shū *ишонч ёрлиғи* (国 guó *давлат* + 书 shū *китоб*) ва б. Бу модель асосида нисбатан мураккаб терминлар ҳам ясалади, бунда аниқловчи, тобе асос икки компонентли, бош, аниқланмиш асос бир компонентли бўлиши мумкин: 秘书长 mìshūzhǎng *Бош котиб* (秘书 mìshū *котибият* + 长 zhǎng *бош*); 国务院 guówùyuàn *Давлат кенгаши* (国务 guówù *давлат ишлари* + 院 yuàn *иморат, бино*); 成员国 chéngguóguó *аъзо-давлат* (成员 chéngyuán *аъзо* + 国 guó *мамлакат*) ва ҳ.к. Асос бир таркибли бўлмаслиги мумкин: 重工业 zhònggōngyè *оғир саноат* (重 zhòng *оғир* + 工业 gōngyè *саноат*); 轻工业 qīnggōngyè *енгил саноат* (轻 qīng *енгил* + 工业 gōngyè *саноат*). Аниқловчи, тобе асоснинг мураккаб бўлиши эхтимолдан холи эмас: 共同体 gòngtóngtǐ *жамият* (共同 gòngtóng *умумий* + 体 tǐ *организм*); 国际法 guójìfǎ *халқаро ҳуқуқ* (国际 guójì *халқаро* + 法 fǎ *ҳуқуқ*).

Атрибутив модель бўйича нафақат от-терминлар, балки феъл-терминлар ҳам ясалади. Бундан терминларнинг ясалиши, одатда, ҳоким асос – феъл, тобе асос от, феъл, сифат ёрдамида ифодаланиши билан характерланади. Бу каби терминларда иккинчи компонент ҳаракатни ифодалайди, биринчи компонент эса ҳаракатнинг қандай, қай тарзда бажарилишини кўрсатади⁵¹: 动 dòng феъл + 动 dòng феъл: 解答 jiědá *жавоб бермоқ* (解 jiě *тушунтирмоқ* + 答 dá *жавоб бермоқ*); 制定宪法 zhìdìng xiànfǎ *конституцияни ишлаб чиқармоқ* (制 zhì *ўрнатмоқ* + 定 dìng *таъкидламоқ*).

⁴⁹ Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – С. 83.

⁵⁰ Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – С. 90.

⁵¹ Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – С. 96.

Композиция усулнинг копулятив модели «функционал-синтактик ва семантик жиҳатдан тенг ҳуқуқли морфема (лексема)ларнинг қўшилиши натижасида ягона маънони ифода этиши» билан характерланади⁵². Бу модель асосида қуйидаги ИСТ воқеланиши кузатилади: 外交语言 wàijiāo yǔyán *дипломатик тил (лисон)* термини таркибидаги 语言 yǔyán *тил сўзи* тенг ҳуқуқли бўлиб, тенг ҳуқуқли бирлаштирувчи моделнинг синонимик қўшилиши натижасида ҳосил бўлган. Ҳар икки компонент 语 yǔ *тил, нутқ* ва 言 yán *нутқ, тил* от сўз туркумига оиддир. 外交事务 wàijiāo shìwù *дипломатик иш* термини таркибидаги 事务 shìwù *иш* сўзи (事 shì *иш* + 务 wù *иш*) ўзаро синоним отларнинг қўшилишидан ясалган. 教育培养司 jiàoyù péiyǎngsī *тарбия бўйича бошқарув (Ташқи ишлар вазирлигида)* термини 教育 jiàoyù *таълим* (教 jiào *ўқитмоқ* + 育 yù *тарбияламоқ, катта қилмоқ*) сўзи ва 培养 péiyǎng *катта қилмоқ* (培 péi *катта қилмоқ* + 养 yǎng *тарбияламоқ, вояга етказмоқ*) ташкил топган. Юқоридаги истилоҳнинг таркибий қисми бўлган 教育 jiàoyù *таълим* сўзи бу терминни ташкил этган 教 jiào ва 育 yù ўзаро синоним феъл компонентларининг тенг ҳуқуқли муносабати натижасида юзага келган. Терминнинг таркибий қисми бўлмиш 培养 péiyǎng *тарбияламоқ* компоненти ҳам синоним бўлиб, 培 péi ва 养 yǎng феълларининг тенг ҳуқуқли муносабати орқали ҳосил қилинган.

Феълли-объектли модель асосида сўз яшаш механизми қуйидаги тамойилга асосланади: биринчи феълли асос иккинчи от асос билан феълли-объектли муносабатга киришади. Бунда феълли асос отли асосни бошқаради. Объектли модель асосида ясалган сўзлар турли сўз туркумларига оид бўлиши мумкин, бироқ аксарият бу модель иштирокида феъллар ҳосил қилинади⁵³, 失效 shīxiào *кучини йўқотмоқ* (失 shī *йўқотмоқ* + 效 xiào *эффект*) термини феълли-объектли моделга мувофиқ ясалган. Унинг таркибий қисмидаги сўз 失 shī *йўқотмоқ* феъли бўлиб, 效 xiào *эффект* отига қўшилган. 投票 tóupiào *сайловларда иштирок этмоқ* (投 tóu *ташламоқ* + 票 piào *чипта*), 签字 qiānzì *имзоламоқ* (签 qiān *имзоламоқ* + 字 zì *белги*) терминлари ҳам шу усул билан ҳосил қилинган.

Хитой ИСТдаги қисқартмаларнинг ясашиш усуллари шу вақтга қадар етарлича ўрганилмаган. Оддий сўзлардан хитой қисқартмаларининг фарқи – уларнинг гап таркибида мустақил бўлак вазифасини бажара олишида кузатилади. Қисқартмалар бажарган вазифалар сўзларнинг вазифалари билан айнаидир, бироқ қисқартмалар тўлиқ кўринишга ҳам эгадир. Қисқартма сўзлар бўғинлар миқдорига кўра фарқланади. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, қисқартмаларнинг тўлиқ шаклини қўллаш мумкин, маъно-мазмун бу ҳолда ўзгармайди. Хитой тилидаги қисқартмаларнинг реаллашувида диққат маънони ифодаловчи иероглифларга қаратилади. Шу боис қисқартмалар сўз бирикмалари билан узвий боғлиқдир⁵⁴. Маълум бир сўз бирикмасининг қисқартма сўзга айланиши мазкур сўз бирикмасининг қўлланилиш частотасига боғлиқ. Хусусан, 中国人民政治协商会议 Zhōngguó rénmin zhèngzhì xiéshāng huìyì *Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши* (ХХСМК), 中国人民解放军 Zhōngguó

⁵² Семенов А.Л. О синтагматической семантике копулятивного сложения в китайском языке // Исследования по китайскому языку. – М., 1973. – С. 63.

⁵³ Ли Цзинси, Лю Шижун. Учебные материалы по грамматике китайского языка. – Пекин, 1959. – С. 595

⁵⁴ Chinese – English Vocabulary of Foreign Affairs. – Beijing: Foreign Language Press, 2002. – P.1104.

rénmín jiěfàngjūn *Хитой халқ-озодлик армияси* (ХХОА), 全国人民代表大会 quánguó rénmin dàibiǎo dàhuì *Халқ вакилларининг умумхитой йиғилиши* (ХВУЙ), 上海合作组织 Shànghǎi hézuò zǔzhī *Шанхай ҳамкорлик ташкилоти* (ШХТ) ва ҳ.к. Ўз даврида фаол қўлланган *бир давлат – икки тизим* жумласи вақт ўтиши билан ўз қисқартмасига 一国两制 yīguó liǎngzhì эга бўлди. БРИКС 金砖五国 jīn zhuān wǔ guó термини сўзма – сўз *беш давлатнинг олтин гиштлари* тарзида таржима қилинади. Ўз-ўзидан, бундай сўзма-сўз таржима лингвистик чигалликка олиб келади. БРИКС мамлакатлари терминнинг хитойча вариантыда сон+от модели, яъни 五国 wǔ guó (инг. BRICS Brazil, Russia, India, China, SouthAfrica мамлакатларининг қисқартмаси) аксини топган.

«Ижтимоий-сиёсий терминологиянинг бойиш усуллари» номли **тўртинчи боб** хитой тилидаги ИСТ бойишнинг асосий усуллари – сўз ўзлаштириш ва неологизмлар тадқиқига бағишланган. ИСТ фаолияти давомида чет тилидан ўзлашган сўзлар маълум бир соҳалар доираси ва рецептор-тилнинг муайян мулоқот вазиятларига боғланиб қолади. Шундай бўлса-да, хитой ижтимоий-сиёсий терминологиясининг тадқиқи алоҳида функционал услублар билан маълум даражада мутаносиблиги ҳақида фикр юритишга имкон яратади. Ўзлашмаларнинг бошқа муҳим манбаси халқаро аҳамиятга молик адабиётлар, маърузалар, нутқлар, давлат раҳбарлари, сиёсий арбоблар, маданият ва санъат намоёндалари ва ҳ.к.нинг чиқишлари ҳисобланади. Ўзлашма лексиканинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг ижтимоий ва ғоявий шартланганлигида намоён бўлади. Бу хусусият тилнинг ижтимоий характери, жамиятнинг у ёки бу ижтимоий синфига хос бўлган қарашлар, ғоялар, тушунчалар ва тасаввурларни ифодалаш ҳамда етказишдан иборат бўлган коммуникатив вазифасидан келиб чиқади. Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар шароитида кўплаб лексемалар маълум бир тарихий-ижтимоий реалаялар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли нейтраллигича қололмайди. Сиёсий, иқтисодий ва бошқа алоқаларнинг интенсификацияси ўзлаштириш жараёнининг фаоллашуви билан биргаликда давом этади⁵⁵.

Ўзлашмаларнинг алоҳида кўриниши бўлган семантик калькалалар хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий терминлар таркибидаги ўзлашмалар миқдорининг ошишига йўл очади. Ушбу ҳолат турли миллат вакиллариаро муносабатларнинг ривожланиши натижасида оғзаки ва ёзма манбалар орқали реаллашади. 国务卿 guówùqīng *давлат котиби* термини Америка ва Европада «юқори лавозимли давлат амалдори» маъносида ишлатилади, хитой тилига «secretary of state» шаклида ёзиладиган инглизча терминнинг асл маъноси калькалалар йўли билан ўзлашган. Хитой тилидаги 国务卿 guówùqīng терминида айнан шу маъно сақланиб қолган, яъни бу терминнинг маъноси бирламчи манбадан иккинчи тилга ўзлашган⁵⁶.

Фонетик калькалалар ўзлашманинг яна бир усули ҳисобланади. Хитойча ва ўзлашма сўзларнинг товуш таркибини ифодалашда иероглифлар ҳақиқатдан

⁵⁵ Токарева И.В. Адаптация немецких лексических заимствований в русском литературном языке (на материале источников рубежа XIX-XX веков): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 2002. – С.6.

⁵⁶ 现代汉语词典. – 北京: 商务印书馆., 1998. – P. 482

хам тўсиқлар яратади. Гап шундаки, иероглифлар нафақат алоҳида товушлар ва ҳатто бўғинлар, балки бир бўғинли сўз ва морфемаларни ҳам яхлит бирлик сифатида ифодалаш имкониятига эга эмас. Таъқидлаш жоизки, хитой тилига фонетик ўзлашмаларнинг кириб келишига тўсқинлик қиладиган омил – хитой тилидаги бўғиннинг морфологик (семантик) маъноси мавжудлигида намоён бўлади. Хитой тили чет сўзларни фонетик ўзлаштириш жараёнида уларни бўғинларга тақсимлайди ва ҳар бир бўғинни иероглифлар ёрдамида ифодалайди. Масалан, 诺贝尔基金会 Nuòbèi'ěr jījīnhuì *Нобель фонди* бирикмасидаги *Нобель* антропоними, 伊斯兰会议组织 Yīslán huìyì zǔzhī *Ислом конференцияси ташиқоти* бирикмасидаги *ислом* сўзи шу жумласидандир. Иероглиф бўғиннинг семантик образи ва товуш ифодасини билдиради. Хитой тилидаги ҳар бир фонетик ўзлашган сўз бўғинлар мажмуаси кўринишига эга бўлади. Ҳар бир бўғин ўз маъносининг эгаси саналиб, бошқа бўғинларнинг маъноси ва умуман бутун сўзнинг умумий маъносига ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Р.Форрестнинг таъқидлашича, хитойлик биринчи навбатда фонетик ўзлашмаларни ифодаловчи ҳар бир иероглифнинг маъносига алоҳида эътибор қаратади⁵⁷. Хитой тилида уч типдаги фонетик ўзлаштириш мавжуд: 1) тўлиқ фонетик ўзлашма (ҳар икки тилда ҳам сўзнинг тўлиқ шакли қўлланилади); 2) нотўлиқ фонетик ўзлашмалар – чет тилидаги сўзнинг талаффузи бу сўзнинг хитойча талаффузига яқин бўлади (унли ёки ундош товушларнинг ўзгариши ёки сўнги ундош товушнинг тушиб қолиши кузатилади); 3) қисман фонетик ўзлашмалар – чет тилидаги сўзнинг хитойча талаффузи бу сўзнинг манба-тилдаги талаффузига қисман мутаносиб бўлади (бу усулда унли товушлар ҳам, ундош товушлар ҳам ўзгаради, манба-тилдаги ундошларга ўзлаштирилаётган тилдаги унлилар қўшилади)⁵⁸. Терминларнинг фонетик йўл билан ўзлашиши кўпинча «БМТ ва халқаро ташкилотлар» бўлимида учрайди: 阿拉伯国家联盟 Ālābó guójīā liánméng *Араб давлатлар иттифоқи* термини таркибидаги 阿拉伯 Ālābó *араб* сўзида ундош товушнинг унли товушга айланиши кузатилади, бу ҳолат, ўз навбатида, нотўлиқ фонетик ўзлашма эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, деярли барча дипломатик ҳужжатларда давлат номларида кўпроқ айнан фонетик ўзлашма усули қўлланади: 中国和乌兹别克斯坦友好合作条约 Zhōngguó hé Wūzībiékèsītǎn yǒuhǎo hézuò tiáoyuē *Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик алоқаларининг ўрнатилиши ҳақида келишув*. Чет тиллардан атоқли отларни ўзлаштириш жараёнида хитой тили сўзнинг манба-тилдаги асл шаклини қабул қилади, уни ўз фонетик структурасига мослаштиради. Шу боис атоқли отларнинг ўзлаштирилишини мажбурий, деб баҳолаш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий терминологиянинг бойиш усулларида бири бўлган лексик инновациялар алоҳида қизиқиш уйғотади. Неологиянинг назарий-методологик асоси Ф.И.Буслаев, Е.Д.Поливанов, А.А.Потебня, А.М.Селищев, И.И.Срезневский, Л.П. Якубинский ва бошқалар томонидан XIX аср –

⁵⁷ Forrest R. A. The Chinese Language. – London, 1948. – P. 45

⁵⁸ Иванов В.В. Терминология и заимствования в современном китайском языке. – М.: Наука, 1973. – С. 63.

XX асрлар бошларида яратилган⁵⁹. Неология назариясини ишлаб чиқиш бўйича Cheng Mingan, Hao Wenhua, Gao Mingkai, Pei Yajun, Li Yun, Li Jianguo, Liang Ailin, Chen Jiaxuan, Sun Shuai, Wang Yongyan, Zhang Rong каби хитойлик олимларнинг ишлари мавжуд⁶⁰. «Неологиянинг икки асосий йўналиши» доирасида лексик инновацияларни тадқиқ этишнинг лексикологик, лексикографик, лингвомаданий, меъёрий, ономасиологик, сўз яшаш, семантик, социологик, психологик, функционал-услубий ва функционал-прагматик аспектлари ажратилади.

Кейинги йиллардаги хитой ислохотлари иқтисод, сиёсат, маданият, социология, экологик цивилизация, мудофаа ва армиядан иборат олти соҳани қамраб олди⁶¹. Шу муносабат билан ҳозирда 改革 gǎigé *ислохот* терминининг 1992 йилдагига нисбатан маъно кўламидаги кенгайиш, нисбатан чуқур шарҳланиши ва татбиқ этилиши маълум бўлади. Ҳозирги хитой тилидаги 改革 gǎigé *ислохот* терминининг семантик модификацияси сўнгги йилларда хитой маданияти, сиёсати ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларидаги тубдан ўзгаришлар натижасида юз берган. Маълумки, охириги 20 йилда 改革 gǎigé *ислохот* термини ўз қўлланиш доирасини анча кенгайтирди. Ислохотлар сиёсати тараққиёти масаласига тўхталган Си Цзиньпин тўғри методологияга риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Хитой ҳақиқатига мос ва хитой спецификасига эга ислохотлар методи *дарёнинг саёз жойидан тошларни пайнаслаб ўтиш*⁶², қонуниятларни тўхтовсиз излаш, амалиётдан ҳақиқатни чиқариш демакдир. Шу тариқа, ислохот икки даражага асосланади: 1. 改革 gǎigé *ислохот* ва 透明度 tòumíngdù *ошкоралик* маҳаллий босқичлар сиёсатини илгари суриш. 2. 改革 gǎigé *ислохот* ва 透明度 tòumíngdù *ошкоралик* маҳаллий босқичлар сиёсатини илгари суриш заминида асосий қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш.

Хуллас, қайд этилган ИСТ муносабатларини моделлаштириш Хитой тараққиётининг сўнгги 40 йиллик (1978-2020) ислохотларини қамраб олувчи когнитив-манتيкий ёндашувларни майдонга чиқаради: 改革 gǎigé *ислохот* ва 透明度 tòumíngdù *ошкоралик* → 全面建设小康社会 quánmiàn jiànshè xiǎokāng shèhuì *ўртача фаровонлик жамиятининг ҳар томонлама қурилиши* → 共同建设世界和谐秩序 gòngtóng jiànshè shìjiè héxié zhìxù *баркамол жамиятнинг қурилиши* → 中国

⁵⁹ Буслаев Ф.И. Преподавание отечественного языка. Учеб. пособие для пед. ин-тов по спец. «Рус яз. и лит.». – М.: Просвещение, 1992. – 511 с.; Поливанов Е.Д. Избранные работы. Труды по восточному и общему языкознанию. – М.: Наука, 1991. – 622 с.; Потегня А.А. Мысль и язык. – М.: Правда, 1989. – С. 17–20; Селищев А.М. Избранные труды. – М.: Просвещение, 1968. – 640 с.; Срезневский И.И. Русское слово. Учеб. пособие для пед. ин-тов по спец. №2101 «Рус. Яз. и лит.» – М.: Просвещение, 1986. – 173 с.; Якубинский Л.П. Язык и его функционирование. Избранные работы. – М.: Наука, 1986. – 205 с.

⁶⁰ 程明安. 应用汉语. 湖北: 湖北人民出版社, 2008; 高名凯. 普通语言学. 下册, 上海: 1955; 裴亚军. 国学术语规范问题 // 中国科技术语. 2009 #3; 李芸. 信息科学和信息术语概念体系研究: 博士论文. –北京: 北京语言文化大学, 2003; 李建国. 语言规范史略. –北京: 语文出版社, 2000; 梁爱林. 从中文«术语学»的英译看术语学的研究应用领域//术语标准化与信息技术. –北京, 2004; 蒯家焯. 现代语言学词典. –北京, 2002; 孙袁. 术语的功能与术语在使用中的变异性: 博士论文. –中国, 黑龙江大学, 2009; 王永炎. 五年来中医药学名词审定工作. 科技树与研究, 2005; 张榕. 术语定义抽取, 聚类与术语识别研究; 博士论文. –北京: 北京语言文化大学, 2006.

⁶¹ 习近平. 谈治国理政. –北京, 2014. – 469 页.

⁶² 习近平. 谈治国理政. –北京, 2014. – 94.

特色社会主义 Zhōngguó tèsè shèhuì zhǔyì *Хитой спецификасига эга бўлган социализм* → 中国的全球发展 Zhōngguóde quánqíú fāzhǎn *Хитойнинг глобал тараққиёти* → 中国梦 Zhōngguómèng *хитойча орзуга йўл* → 中华民族伟大复兴 Zhōnghuá mínzú wěidà fùxīng *Хитой миллатининг буюк қайта туғилиши* → 人类统一命运共同体 rénlèi tǒngyī mìngyùn gòngtóngtǐ *инсониятнинг умумий тақдир жамияти* – бошқача айтганда, *хитой усулидаги глобализация*. Ушбу ҳолат таъкидланган категорияга оид ҳар бир ижтимоий-сиёсий терминнинг таржимаси аввалги тарихий даврга тааллуқли таянч терминлар билан синхронлаштирилган бўлиши зарурлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Терминологик стандартларни яратишдан мақсад терминлар ва терминологик тизимларни унификациялаш; янги термин ва терминологик бирикмалар ҳамда уларнинг қисқартмаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш; илмий ва техникавий терминларнинг таржимасини амалга ошириш. Терминларни ўрганиш масаласига юзаки муносабат халқаро муносабатларда маълум муаммоларнинг юзага чиқишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Хитой терминологиясининг шаклланиши, идентификацияси ва тараққиёти масалалари таҳлили қадимги Хитойнинг фалсафий анъаналари, хитой тили терминологиясининг мақсади тўғрисидаги мутафаккирлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга молик.

2. Аксарият ҳолларда ижтимоий-сиёсий лексика (ИСЛ) ва ижтимоий-сиёсий терминология (ИСТ) тушунчаларини фарқлашда аниқ дифференциация мавжуд эмас. ХХР раҳбарлари нутқларининг матнлари, шунингдек, қатор лексикографик материаллар асосида ИСТ жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг вербал ифодаси сифатида тилнинг қуйи системаси тарзида гавдаланади, деб таъкидлаш мумкин. ИСЛда ИСТдан фарқли ўлароқ, турли лексик бирликлар, жумладан, полисемантик лексемалар, шунингдек, бир маъноли касбий терминлар ҳам қўлланилиши кузатилади.

3. Хитой тили лексикасининг қуйи тизими бўлмиш ижтимоий-сиёсий терминологияга ХХРнинг маъмурий-сиёсий тузилиши ва ижтимоий-сиёсий турмуш тарзи, мамлакат қадимги фалсафий анъаналарининг концептуал жиҳатлари билан чамбарчас боғлиқ реалиялар киради. ИСЛдан фарқли равишда, ижтимоий-сиёсий терминлар давлат, ҳукумат ва илмий жамият томонидан доимий назоратда. Бу жиҳат ўз навбатида, терминологияни тизимлаштириш ва стандартлаштириш масалалари билан шуғулланувчи «全国科学技术名词审定委员会 quánguó kēxué jīshù míngcí shěndìng wěiyuánhùi», яъни «Илмий-техник номларни тасдиқлаш бўйича Умумхитой қўмитаси»нинг мавжудлиги билан ҳам тасдиқланади. Ҳозирги хитой тили ИСТнинг асосий хусусиятини ҳукмрон мафкура ва давлатнинг сиёсий йўналиши, давлат сиёсатининг ижтимоий императивлари билан боғлиқлиги белгилаб беради.

4. Тадқиқот материаллари асосида термин тушунчасига қуйидаги таъриф танланди: термин – фан ва ижтимоий-сиёсий (касбий) фаолиятда белгиланган

тартибда қабул қилинган, муайян шароитда ва концептуал маънонинг муайян мақсадларини ифодалаш учун ишлатиладиган махсус сўз ёки ибора. Ҳозирги хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий термин маълум бир концепция билан боғлиқ динамик ходисадир.

5. Хитой тилида ИСТнинг шаклланиши Конфуций таълимоти анъаналаридаги иерархик бўйсиниш қонун-қоидаларига асосланган маъмурий ҳудудларга бўлиниш тизими, ушбу маъмурий тизим ривожини билан бевосита боғлиқдир. Қадимги Хитой маъмурий бошқарув тизимининг уч ва беш босқичли шакллари Конфуций таълимоти анъаналарига таянган давлат бошқарув тизими билан боғлиқ ИСТнинг ривожланишида асос вазифасини ўтади.

6. Ҳозирги хитой тилидаги ИСТ тизими асрлар давомида синовдан ўтган ва ҳар бир хитойлик фуқаронинг миллий онги, шуури ва тилида мужассам бўлган фалсафий қадриятларни акс эттиради. Ушбу фалсафий қадриятлар тўғридан-тўғри тематик гуруҳларда (ТГ) намоён бўлади. Биринчи ТГга давлат қадриятларини акс эттирган: 富强 fùqiáng *бойлик* ва 民主 mínzhǔ *демократия*, 文明 wénmíng *цивилизация*, 和谐 héxié *гармония* терминлари киради. Иккинчи ТГга жамият қадриятларини ифодалаган: 自由 zìyóu *эркинлик*, 平等 píngděng *тенглик*, 公正 gōngzhèng *адолат*, 法治政府 fǎzhì zhèngfǔ *ҳуқуқий бошқарув* терминлари хос. Учинчи ТГга шахс қадриятларини англалган: 爱国 àiguó *ватанпарварлик*, 敬业 jìngyè *касбга садоқат*, 诚信 chéngxìn *ҳақиқатгўйлик*, 友善 yǒushàn *дўстлик* терминлари оиддир. Ғарб маданияти учун ноодатий қадриятлар иерархияси «юқоридан пастга», яъни давлатдан жамиятга, жамиятдан шахсга қаратилгани билан ажралиб туради.

7. Хитой ижтимоий-сиёсий терминологияси шаклланишини ўрганиш қадимги Хитойда сиёсий тизим қурилиши, ташқи сиёсат тарихи ва тамойиллари билан бевосита боғлиқдир. Дипломатия мавзуйи гуруҳи доирасидаги ИСТнинг маъновий таҳлили маълум босқичларда нафақат давлат тузилиши, балки халқаро алоқаларнинг ривожланишида тарихий воқеаларнинг муҳимлигини кўрсатади. Антик даврда шаклланган ва бир сулоладан иккинчисига ўтган иерархик бошқарув тизими замонавий маъмурий бошқарув тизимида аксини топган. Икки ярим минг йил муқаддам бирлашган империя учун яратилган «марказлашиш фалсафаси» ХХР сиёсатининг замонавий концепциялари доирасида янги ижтимоий-сиёсий терминларнинг ғоявий асосига айланмоқда.

8. Қадимги Хитойда маъмурий бошқарув тизими доирасидаги ИСТ таҳлилининг хронологик тамойили, яъни Шарқий Хан давридаги 州郡 zhōu jùn уч босқичли маҳаллий сиёсий тизим ва Тан давридаги маъмурий тизимининг: 大行政区 (大区) dà xíngzhèngqū (dà qū) *минтақа* - 省 shěng *вилоят* - 市 shì *шаҳар* - 县 xiàn *туман* - 乡 xiāng *қишлоқ* ларини ўз ичига олган беш поғонали форматини таҳлил қилиш ҳозирги хитой тили ИСТ доирасида қуйидаги архаизмларни аниқлашга имкон берди: 州 zhōu *автоном префектура (район)*, 县 xiàn *туман*, 乡 xiāng *қишлоқ*, 府 fǔ *қароргоҳ (政府 zhèngfǔ ҳукумат термини таркибида)*, 都督 dūdū *вилоят ҳарбий губернатори (мансабдор фуқаро)*, 知州 zhīzhōu *автоном префектура губернатори* (ҳозирда 州长 zhōuzhǎng *туман губернатори*), 知县

zhīxiàn туман губернатори (县长 xiàn zhǎng қишлоқ оқсоқоли) ва ҳ.к. Мазкур терминлар ХХР ҳозирги маъмурий бошқарув тизимида фаол қўлланувчи лексика сирасига киради.

9. Мантикий-концептуал тизимни моделлаштириш принципига асосланиб, мазкур тадқиқот икки босқичда олиб борилди: ХХ аср сиёсий раҳбарлари томонидан сўнгги 40 йиллик ислохотлар давомида қилинган маъруза матнлари материаллари ва лексикографик материаллар (中国大百科全书 Zhōngguó dà bǎikē quǎnshū энциклопедик луғати, 辞海 cíhǎi изоҳли луғати ва мавзуйи луғатлар) асосида терминлар танлаб олиниб, уларнинг аниқ белгиланган дефиницияларини танлаш амалга оширилди. Иккинчи босқичда терминлар мавзуйи гуруҳлар бўйича тизимлаштирилди, бу эса ўз навбатида 行政政治术语 xíngzhèng zhèngzhì shùyuǐ маъмурий-сиёсий терминлар; 军事术语 jūnshì shùyuǐ ҳарбий терминлар; 外交术语 wàijiāo shùyuǐ дипломатик терминлар; 法律术语 fǎlǜ shùyuǐ ҳуқуқ терминлари каби алоҳида мавзуйи гуруҳларни ажратиб олиш имконини берди.

10. Ижтимоий-сиёсий терминларнинг ҳосил бўлишида композиция усулининг атрибутив модели фаолдир. Композиция усулининг копулятив модели асосида ҳосил қилинган терминлар компонентлари ўзаро боғланиш асосида бирлашади. Композицион боғланиш моделига кўра, синонимик асос компонентлардан ясалган феъллар от вазифасида ҳам қўлланилиши мумкин. Композиция усулининг феъл-объектли моделига мувофиқ тузилган ижтимоий-сиёсий терминлар ҳам феъл, ҳам от вазифасида қўлланади. Уларнинг хусусиятларидан бири таркибидаги компонентларнинг контекст хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир-биридан ажралиб, орасига ҳол вазифасида қўлланувчи қўшимча элементларни қабул қила олишидир.

11. Ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий терминларининг ҳосил бўлишида композиция усулининг самарадорлиги термин таркибидаги бош компонентнинг тобе компонент билан семантик муносабатидан келиб чиққан ҳолда аниқланиб, терминлар таркибидаги бош компонентларнинг бирламчи семантик хусусияти билан боғлиқ қуйидаги 14 та мавзуйи гуруҳ асосида далилланди: 时间 вақт, 适用范围 қўлланилиш доираси, 原料 хом-ашё, 颜色 ранг, 形式 шакл, 位置 жойлашув, 特性 характер, 工具 восита, 数量 миқдор, 感觉 ҳис-туйғу, 职位 лавозим, 宗教 дин, 关系 муносабат, 性别 жинс. Композиция усули ёрдамида терминлар компонентлари ўртасидаги муносабатлар таҳлили структур жиҳатдан икки ва кўп компонентли мураккаб ижтимоий-сиёсий терминларнинг 7 асосий моделини аниқлашга имкон берди. Ушбу моделларга мувофиқ турли синтактик вазифаларга эга терминлар ҳосил бўлиши аниқланди.

12. Аффиксация агглютинав усулининг ҳозирги хитой тили ИСТ шаклланишининг самарали механизми эканлигини далиллайди. Ижтимоий-сиёсий терминларнинг ясалишида суффиксациянинг префиксацияга нисбатан фаоллиги аниқланди. Мазкур фаоллик асосан мансаб-лавозим мавзуйи гуруҳи терминлари таркибидаги 员 yuán, 者 zhě, 家 jiā, 官 guān суффикслари синонимияси ҳисобидан юзага келиши белгиланди. Префиксация суффиксация каби фаол бўлмаса-да, терминлар таркибида префикс турларининг ранг-

баранглиги кузатилди. 化 huà яримсуффикси асосан объект ёки ҳодисанинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, 性 xìng яримсуффикси эса мавҳум маъноларни ифодалашда фаоллиги кузатилди.

13. Ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий терминларининг ҳосил бўлишида қисқартмалардан фойдаланиш давр, вақт, муҳит ва вазиятга боғлиқ. Қисқарматалардан музокаралар, маърузалар, илмий-оммабоп нашрлар, оммавий ахборот воситалари ва терминология кесимида кенг фойдаланилади. Айнан ушбу соҳалар сўзлашувчилардан лексик тежамкорликни талаб этади. Содда қисқартмаларнинг (简称 jiǎnchēng) 4 модели ва синтетик қисқартмаларнинг (合成 héchéng) 3 модели асосида ҳосил бўлган термин-қисқартмалар структур жиҳатдан ўзларининг тўлиқ шакллари билан мос келади. Неологизмларнинг таҳлили натижасида синтетик қисқартмаларнинг янги модели аниқланди. Мазкур модель ёрдамида воқеланган терминларда сонлар билан боғлиқ лингвокогнитив тушунчаларнинг асос ўрнида қўлланилиши далилланди.

14. Чет тиллардан ўзлашган ижтимоий-сиёсий терминларнинг қўлланилиш доираси рецептор-тилда сўзлашиш соҳалари ва лингвистик вазиятлар билан боғлиқ. Ўзлашган элементлар Хитойнинг чет давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ижтимоий-сиёсий, савдо-сотик, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар алоқалари натижасида юзага келади. Ҳозирги хитой тили ИСТда ўзлашмаларнинг таҳлили мазкур соҳа терминларининг «хитойлашув» тенденциясига мойиллигини аниқлашда асос бўлди. Ташқи сиёсий концепциялар доирасида маълум ғоя ва режаларни илгари суриш мақсадида ХХР раҳбарлари томонидан асосан «юмшоқ терминлар»нинг қўлланилиши кузатилди.

15. ИСТ тизимида янги терминларнинг ҳосил бўлиши давлат сиёсий йўналишининг маълум бир босқичидаги инъикосидир. ХХР раҳбарларининг замонавий сиёсий концепциялари доирасида вужудга келган муаллиф неологизмларининг маъновий таҳлили ҳозирги хитой тилида ижтимоий-сиёсий терминлар қадимги Хитой файласуфлари, жумладан, Конфуций асарлари лексикасининг семантик жиҳатларини замонга мослаган ҳолда янги талқин асосида таҳлил этиш натижасида реаллашади, деган хулосага келинди.

16. Жамиятдаги ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий тузилмаларнинг қайта ташкил этилиши ИСТ қатламига таъсир этмасдан қолмайди. ХХР каби барқарор сиёсий тузилмага эга давлатларда ижтимоий-сиёсий терминология соҳаси ҳам барқарор тизим саналиб, беқарор давлатлар ва жамиятларда эса турбулент ҳодисалар таъсирига тушиши аниқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12. 2019.Fil/Tar.21.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

НАСИРОВА САОДАТ АБДУЛЛАЕВНА

**ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ ТЕРМИНОЛОГИЯ
В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ**

10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.DSc/Fil92.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tashguv.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **ДАДАБАЕВ Хамидулла Арипович**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **ХОДЖАЕВ Аблат**
доктор исторических наук
ХАЙ Шуин
доктор филологических наук, профессор
КИМ Наталья Дек-Хеновна
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Узбекский государственный университет мировых языков**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 при Ташкентском государственном университете востоковедения. (Адрес: 100047, Ташкент, улица Шахрисабзская, 25. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрированной за № ____). (Адрес: 100047, Ташкент, улица Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21.).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.

(Протокол реестра рассылки за № ____ от «___» _____ 2020 года).

А.М. Маннонов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филол. наук, профессор

Р.А.Алимухамедов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филол. наук

Х.З.Алимова
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор филол. наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом языкознании исследования лексического пласта характеризуются спорными выводами и решениями, в особенности в области признания тех или иных значений новообразованных слов-терминов. Формирование общественно-политической терминологии (ОПТ) начинается в недрах многовековой истории политической, философской мысли и мировоззрения китайской цивилизации. Кроме того, пополнение лексического состава общественно-политической терминологии в современном китайском языке вызвано стремительным ростом экономического, военно-стратегического, политического, а также культурно-гуманитарного развития Китайской Народной Республики (КНР) за последние четыре десятилетия¹.

В современном китайском языкознании общественно-политическая терминология претерпевает глубокие изменения и демонстрирует связь с базисной платформой – философских взаимоотношений личности и общества, личности и власти, общества и власти, государства и международного сообщества. Вместе с тем, она функционирует в качестве многопрофильного языкового инструмента выражения общественно-политических явлений. Такое обстоятельство обосновало необходимость комплексного изучения ОПТ в современном китайском языке, вызванного «языковой» реакцией на динамичное экономическое, социально-политическое, общественно-культурное развитие и роли КНР в мировом сообществе.

КНР занимает ведущее место по объёму инвестиций в экономику Республики Узбекистан. В Республике Узбекистан работают свыше 1600 предприятий КНР. Эти и другие факторы требуют глубокого знания языка партнёра, способности прогнозировать его политико-экономическое направление в отношении как нашей страны, так и Центральной Азии посредством тщательного анализа общественно-политических терминов, являющихся своего рода зеркалом внешней политики КНР. В последнее время, выдвинутые китайской филологической наукой ряд системных единиц ОПТ, оказал существенное влияние на международные отношения, в частности, 一国两制 *yī guó liǎng zhì* *одна страна – две системы*, 上合组织 *Shànghé zǔzhī* *Шанхайская организация сотрудничества ШОС*, 上海精神 *Shànghǎi jīngshén* *Шанхайский дух*, 打击»三种势力» *dǎjī «sān zhǒng shìlì»* *борьба против трех зол*, 一带一路 *yī dài yī lù* *один пояс, один путь* и другие положили основу для формирования совершенно новых прагматических отношений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, выдвинутых в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, № ПП-3151 «О мерах по дальнейшему расширению

¹ В 1978 г. Китай занимал 29-е место по объему внешнего товарооборота в мире, но уже к 2013 году вышел на первое место. Его доля в мировом экспорте с 0.75% выросла до 13,15%.

участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» от 27 июля 2017 года, № ПП-4358 «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки востребованных квалифицированных кадров и развитию научного потенциала в национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека в 2019-2023 годах» от 17 июня 2019 года,

№ ПП-4680 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы подготовки кадров и повышению научного потенциала в области востоковедения» от 16 апреля 2020 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан за №75 «О дополнительных мерах по организации деятельности Центра исследований развития высшего образования и внедрения передовых технологий при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан» от 10 февраля 2020 года и других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии в республике I. «Пути формирования системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и просветительском развитии информационного общества и демократического государства и их воплощения».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования по терминологии в китайском языке проводятся в ряде ведущих научных центров и высших учебных заведений, в их числе Гарвардский университет Harvard University (США), Оксфордский университет University of Oxford (Великобритания), Берлинский университет им. Гумбольдта Humboldt Universitat zu Berlin (Федеративная Республика Германия), Пекинский университет 北京大学 Běijīng dàxué, Второй Пекинский университет иностранных языков 北京第二外国语大学 Běijīng dì èr wàiguóyǔ dàxué, Фуданский университет 复旦大学 Fùdàn dàxué, Шанхайский университет 上海大学 Shànghǎi dàxué, Шанхайский университет иностранных языков 上海外国语大学 Shànghǎi wàiguóyǔ dàxué (Китайская Народная Республика), Институт стран Азии и Африки Московского государственного университета имени М.В.Ломоносова, Институт востоковедения РАН, Санкт-Петербургский государственный университет, Военный университет Министерства обороны Российской Федерации, Казанский (Приволжский) Федеральный университет, Дальневосточный Федеральный Университет (Российская Федерация), Ташкентский государственный университет востоковедения, Самаркандский государственный институт иностранных языков (Республика Узбекистан) и др.

² Обзор международных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих информационных ресурсов: <http://www.pku.edu.cn.>, <http://www.bfsu.edu.cn.>, <http://www.fudan/edu/cn.>, <http://www.shu.edu.cn.>, <http://www.shnu.edu.cn.>, <http://www.iaas.msu.ru>, <http://www.ivran.ru>, <http://www.spbu.ru>, <http://www.vumo.mil.ru>, <http://www.kpfu.ru>, <http://www.dvfu.ru>, <http://www.harvard.edu>, <http://www.ox.ac.uk>, <http://www.hu-berlin.de>, <http://www.samdchti.uz>, <http://www.tsuos.uz>, <http://www.dissercat.com>, <http://www.cyberleninka.com>, <http://scopus.com>, <http://sciencedirect.com>pii>pdf>, <http://www.linguistics-journal.com>a-c>, <http://searchworks.stanford.edu>view>, <http://diss.rsl.ru>, <http://www.casseng.csn.cn>, <http://www.chineseacademydc.com>, <http://www.chinese-learning.cnhttps://www.dvfu.ru/>.

В результате научных исследований терминологии китайского языка был получен целый ряд выводов, в частности: обоснованы формы и принципы терминотворчества современного китайского языка (Институт востоковедения РАН, Humboldt Universitat zu Berlin), доказаны источники заимствования терминов (Институт стран Азии и Африки Московского государственного университета имени М.В.Ломоносова, Казанский (Приволжский) Федеральный университет), выявлены словообразовательные аспекты общественно-политических терминов современного китайского языка (北京大学 Běijīng dàxué, 北京第二外国语大学 Běijīng dì èr wàiguóyǔ dàxué). Кроме того, аргументированы вопросы заимствования и их адаптации в словарном составе китайского языка (Военный университет Министерства обороны РФ), раскрыты интра- и экстралингвистические факторы обогащения лексического пласта ОПТ китайского языка. На примере ОПТ доказана высокая продуктивность способов словосложения и аффиксации в словообразовании китайского языка. Изучен семантический сдвиг лексических инноваций на базе теории конфуцианства (Ташкентский государственный университет востоковедения).

В настоящее время в мировом языкознании осуществляется целый ряд исследований в области терминологии, в частности, по таким приоритетным направлениям, как формирование общественно-политической терминологии на основе источников; выявление общности и различий в системе терминообразования и этапов развития общественно-политической терминологии в китайском языке; изучение способов образования общественно-политических терминов в современном китайском языке; научное обоснование роли заимствований и неологизмов в образовании новых единиц ОПТ китайского языка; определение влияния философских традиций древнего Китая на общественно-политическую терминологию китайского языка; составление дву- и многоязычных словарей.

Степень изученности проблемы. Проведенные научные исследования указывают на три основных подхода в изучении общественно-политической терминологии: синхронно-описательный (Сун Дзишэнг 孙吉胜, Тянь Хайлонг 田海龙, Сюэ Дачуан 雷大川, Лю Ёнгдао 刘永涛, А.А.Абдуллаева, Л.А.Жданова, А.Б.Исабекова, Е.В.Курасова, Ли Ёнг Хи, Л.Ф.Маркианова, Н.Н.Фаттахова, А.Г.Лемешко)³, диахронический (исторический) (Хуан Дзинчинг 黄金祺, Фан Синмин 潘新明, Г.У.Алеева, Л.Бантышева, Р.Я.Бабаев, Х.Дадабаев,

